

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 28-oktabr / № 40 (4699)

ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

“Янги Ўзбекистон – инсон қадри ва манфаатлари улуғланган юрт” шиори остида республикаимиз бўйлаб ўтказилаётган адабий-маърифий тадбирлар Наманган вилоятида давом этмоқда.

НАМАНГАННИНГ ЎЗГАЧА ТОНГИ

Ўзбекистон жаннатмакон юрт. Ҳар бир вилоятнинг, ҳар бир гушанинг ўз таровати борлигини эътиборга оlingan ҳолда, баралла айта оламани, гуллар шаҳри Наманган, унинг беғубор тонги гул ҳидига омухта. Айниқса, олма ҳидининг димоқларга хуш ёқувчи гаши ўзгача. Бошқа жойларда тонг элини



уйғотса, наманганликлар тонг азондан кўчаларини саранжом қилиб қўяди, чунки саришталли ер фаршталли бўлишини яхши билади. Бугун Наманганга “гул шаҳри” деган таърифнинг ўзи камлик қилади. Кейинги вақтларда вилоятда


саноат, тадбиркорлик, илм-маърифатга эътибор янада кучайди. Ҳамжиҳатлик, елкадошлик, бунёдкорлик ҳамма соҳада ўз сўзини айта бошлади. Вилоятда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. “Янги Ўзбекистон – инсон қадри ва манфаатлари улуғланган юрт” шиори остидаги фестивалнинг баланд руҳда ўтказилишига шубҳа йўқ эди. Вилоятда адабий, маънавий-маърифий, муסיқий тарғибот тадбирларига пухта тайёргарлик қўрилганди.



2

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ НАМОЙИШИ

Айни кунларда Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар зали гўзал манзара касб этган. Ҳибондан ўрин олган оддий темир бочкадан ясалган ғаройиб санъат асарлари атрофи ёшлар билан гавжум. Сабаби, Ўзбекистон халқ рассоми Жасванд Анназаров ўз вазифини ўтаб бўлган бочкалардан шундай шакллар яратгани, унинг бу ҳаёлот олами маҳсули олтидан ҳеч ким эътиборсиз ўтолмайди. Рассомнинг “Бочка одамлар” деб номланган мазкур асари пойтахтимизда намойиш этилаётган “Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари” IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига мухлислариغا байрам совғаси бўлди.



Кўргазмалар залида эса Биенналенинг очилиш маросими байрамона тус олди. Тадбирда сузга чиққан таниқли тасвирий санъат усталари, элчихона вакиллари, санъатшунослар бу каби халқаро тадбирлар давлатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда, ижодкорларнинг интилишларини уйғунлаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Мазкур биенналеда дунёнинг ўттиздан ортқ мамлакатларидан ҳайкалтарошлик ҳамда турли йўналишдаги замонавий жанрларда фаолият юритувчи ижодкорлар қатнашмоқда.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига қизгин тайёргарлик қўрилгани очилиш маросимидан сўнг аён бўлди. Марказий кўргазмалар залидан ўрин олган Юнус Сафардёрнинг “Янги умид” номли маҳобатли инсталляцияси биеннале иштирокчилари эътиборини жалб этди. Рассом оддий ёғоч ўймакорлиги усулида ишланган бўлақлардан ўзига хос, қалампирмунчоқдек яхлит асар яратган. Ҳар бир ёғоч бўлағида ўтмишимизнинг турли кўринишлари мужассам.

6

Атоқли давлат арбоби, ҳассос адиб ва шоир Шароф Рашидов таваллудининг 105 йиллиги

МУҲАББАТ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, адиб ва таржимон
Иброҳим ҒАФУРОВ билан суҳбат

— Сиз Шароф Рашидовнинг беш томлик асарларига муҳаррирлик қилгансиз. Республика раҳбарининг китобларига муҳаррирлик қилиш осон бўлмагандир?


— Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва ижодиётининг саҳифалари биз XX аср Ўзбекистон аҳли афкорининг маънавий ва руҳий ҳаётимизга жуда катта долғали денгиз каби тўлқинлари, бўронлари, майин ва нафис шабадалари, ҳаётбахш эпиклари билан бирга кириб келган ва ҳамон шунча замонлар — ўн йилликлар ўтган бўлишига қарамасдан биз билан бирга онгимиз, қалбимиз — ўчмас хотираларимизда тирик — худди кечагидек, худди элгинчи-олтмишинчи йиллардагидек завоқ билмай яшайди. Мен “Ғолиблар” деган гўзал қиссани ўн олти ёшимда 1953 йилда, Сталин ўлган йили ўқиган эдим. Қисса қаҳрамонлари Ойқиз ва Олимжоннинг ёруғ жаҳонга сифмайдиған жўшқин орзулари, ишлари, интилишлари мени батамом ўзига ром этган ва мен бу орзуларнинг қаҳқашонини ичимга сифдиролмаё Тахтапулдаги 22-ўрта мактабда синфдошим Эркин Воҳидов билан таассуротларимни ўртоқлашган эдим. “Эркин ака, — деб сўраган эдим ундан, — чекка Олтинсой қишлоғида туғилган ёш бир қизда шунча оламшумул орзулар бўлиши мумкинми?” (Ўша пайтларда биз газеталардан ўргана бошлаган “оламшумул” каби биз учун жуда татти эшитиладиган сўзларни ишлатиб; биз мактабимиз, ўша пайтда ўқийдиган газеталаримиз таъсирида “олчок Этли”, “манфур Черчилль” сингари ғаройиб сўзларни ҳам такроллаб

юрардик, эсласак, ҳозир уяламиз.) Эркин ака қулди-да, мен шу асарни “Шарқ юлдузи”да ўқиган эдим, шунақа нарсаларни журналист Рихсвий тоғамдан сўрадим. У: “Шароф Рашидовнинг ўзи шундай орзу-хаёллари бир оламга сифмайдиған одам, жўшқин; биз газетанда бирга ишлаганмиз, Унга фикрлар, орзулар куюлиб келарди”, деб айтди. Шароф Рашидов буюк шоиримиз Ҳамид Олимжон билан тоға-жиан бўлишар экан, унинг ёзувчилиги, шоирлиги тасодиф эмас, қонида, томирида бор. Биласизми, Иброҳим, мен унинг “Қаҳрим” деган уруш пайтида чиққан китобини ҳам ўқиганман. Мана, эшит: бир шеърини ёдлаб олганман: “Ёр келур, ёзим келур, Юракда орзум келур. Худди тўлқиндай тошиб Дарёйи азим келур” чиройли а, тўғрими? Жуда содда, самимий ёзади”. Эркин Воҳидов синфдошим билан ўша пайтнинг китоблари ҳақида гаплашиб юрар, “Олтин водийдан шабадалар”, “Покистон таассуротлари”ни ҳам шундай сўйлашган эдик. Энди Сизнинг саволинингизга жавоб берсам: 1979 — 1980-йилларда Шароф Рашидовнинг ўзбек тилида беш жилдлик “Асарлар”и чиқиши режалаштирилганди. Директоримиз атоқли адиб Ҳамид Фулом беш жилдликни чиқариш масъулиятини менга юклаган, “Ғолиблар” ва “Бўрондан кучли” кирган биринчи ва иккинчи жилдларга нашриёт редактори сифатида Тўлқин Алимов ва Х.Мансурова тайинланган эди. Тўртинчи ва бешинчи жилдларга адибнинг адабий-танқидий мақолалари ҳамда публицистик асарлари киритилиши режалаштирилган эди. Ўзбекча нашр Масковда

босилган рус тилидаги нашри билан айнан бир мундарижада бўлиши зарур эди. Ҳамид Фулом менга Шароф Рашидовнинг рус тилида ёзилган адабий-танқидий, публицистик асарларини (Шароф Рашидов рус тилини мукамал эгаллаган, раван, текис, замонавий талаб даражасида равшан, аниқ, партиявий фикрлар эдилар) ўзбекчалаштириш зарурлигини айтдилар ва шу ишни ўзингиз қилсангиз деб, қанча вақт лозим бўлса, шунча уйда ишлашга рухсат бердилар, мен бажону дил рози бўлдим ва айтилган вақтга буни адо этдим, барча мақолаларда Шароф Рашидовнинг тили, ўзига хос услубини сақлашга ҳаракат қилдим. Илгари Горький, Белинский, Грибоевнинг айрим мақолаларини таржима қилганимда булар менинг дунёқарашимга қандай ижобий таъсир кўрсатган бўлса, Шароф Рашидовнинг мақолалари адабиётлар, миллий адабиётлар ва уларнинг назарий-илмий таълимотлари ҳақидаги қарашларимни бениҳоя бойитди. Жаҳон адабиёти борасида тасаввурларимни кенгайтирди ва янги теранроқ босқичга олиб чиқди.

— Шароф Рашидовнинг ўзбек адабиётидаги ўрнини қандай баҳолаш, асарларининг қайси жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин?

— Шароф Рашидов асарларининг адабиётимиз тарихидаги ўрнини асарларининг бадий-фалсафий салмоғи белгилайди. У ўз ижодиётида янги инсон ва мавжуд социалистик воқелик ҳамда унинг маълум голяларини куйлади. “Совет кишиси” деган таълимотнинг юзага келишига жуда катта



ҳисса қўшди. Горькийга, Фадеевга эргашди. Уларни ўзига устоз деб билди. Рус тили ва рус адабиётини севиб, кенг миқёсда уларнинг тарғиботи ва ташвиқоти билан шуғулланди. Инсонпарварлиқни коммунистик голярга оғишмай амал қилишда деб билар, эътиқоди мустаҳкам коммунист эди. Буларсиз уни, даврини, даврдаги ўрнини асло тасаввур қилиб бўлмасди. Унинг Г.Рашидова, Д.Комилов, И.Кўчиев, А.Рашидов сингари тадқиқотчилари Шароф Рашидовнинг давлат арбоби, атоқли партия намоёнаси, улкан адиб ва шоир, публицист сифатидаги фаолиятини XX асрда собиқ Иттифоқдаги социалистик тузум ва унинг ҳукмрон сиёсати хуусиятлари билан чамбарчас боғлаб текширганлар. Унинг олиб борган фаолиятини шу давр маҳсули ва хулосаси деб қараганлар.

2

СУВРАТИНГНИ ЧИЗАМАН, ВАТАН

Халқимизнинг севимли шоираси, серқирра ижодкор Шарифа Салимова шеърларини ўқиганингизда меҳр ва ҳайратга чулғаниб, Ватан суратини чизаётган фидойи қалб ҳароратини ҳис этасиз.

**Ястаниб ётади улғур тоғлар,
Дарёлар оқади шиддатга тўлиб.
Субҳидам гунчанинг ол яноғида
Шудринг қимтинади бир уммон бўлиб.
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан...**

Шоира она юрт боғларидаги оддий шудрингни ҳам уммондай шарафлайди. У Ватан суратини чизар экан, кексалар дуоси, болалар кулгуси, қадимий минорлар, райхонлар — юртнинг ҳар бир заррасини назардан қичирмайди ва барчасини улуғлайди. Бу туйғу беихтиёр ўқувчи юрагида шуълаланади. “Нур дегил, мен чакмоқ бўлмоғим тайин”, деб ёзади шоира бир шеърда. У барчани эзгуликка, Ватанни севишга даъват этади.

Кунни кеча адабиётимизда ўзининг рангин қалами, соҳира нигоҳи, она қалби билан шеърлари, ҳикоялари ва публицистик асарларида Ватан суратини чизган Шарифа Салимова таваллудининг етмиш йиллиги Паркент шаҳрида адабиёт байрами сифатида нишонланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган адабий-ижодий кеча шоира ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди.

Тантанали тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси раиси Зулайхо Маҳқамова ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиёт равнақи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида эканини таъкидлашди.

Серқирра ижодкор Шарифа Салимованинг илк шеърлари ўтган асрнинг 60-йилларида матбуот саҳифаларида ёритилган.

Қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида шоира, таржимон ва публицист сифатида ўнлаб шеър, публицистик китоблар ёзди, эл-юрт ҳурматини қозонди. Жумладан, илк тўпламлари “Ҳаёт завқи” ва “Менинг баҳорим” номи билан чоп этилди. Шоира ижодида “Ҳизр булоғи” асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ҳазрат Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган. “Тонгга қасам” публицистик мақолалар тўпламида давримизнинг энг долзарб масалалари гўзал шоирона тил билан

Шарифа Салимова ижод, оила билан бир ўринда жамият ижтимоий ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлди.

Шарифа Салимованинг меҳнат фаолияти ҳам бошқаларга ибрат бўлгудек. 1969 — 1974-йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битиргач, Ўзбекистон телевидение ва радиозиттириш кўмитасининг “Ватандош” радиостанциясида фаолиятини бошлади. У 1987 йилгача радиода кичик муҳаррирликдан бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1989 — 1994-йилларда “Саодат” журнали ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида бўлим мудир бўлиб ишлади. Шу йилларда адибанинг жамиятнинг оғриқли муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари эълол этилди.

У кўп йиллар давомида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида масъул вазифада хизмат қилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Муножот Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илёс Арабов, Аҳрор Усмонов каби санъаткорлар ижросида қўшиқлар жаранг сочди. Шоира ижодидан намуналар ўқилди.

Кеча якунида шоира Шарифа Салимова сузга чиқиб, йилгиланларга ҳурмат ва эътибор, эҳтиром учун миннатдорлик билдирди, янги шеърларидан ўқиб берди.

— Мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибордан бехад мамнунмиз, — деди Шарифа Салимова. — Бундай эътибор ижодкорларни янада самарали фаолият кўрсатишга ундайди.

Шодиёна муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоиранинг “Танланган асарлар” китоби ва “Шарифа Салимова. Замондошлар нигоҳида” тўплами нашр этилиб, мухлисларга тўхфа этилди.



ШАРИФА САЛИМОВА



қаламга олинган. Атоқли шоирамиз рус, қозоқ, қирғиз ижодкорларидан таржималар қилиш билан бир қаторда, ислонмунос немис шоири Ҳадаятуллоҳ Ҳўбш шеърларини ҳам таржима қилиб, “Оҳ, атиргул” номи билан нашрга тайёрлаган.

Шунингдек, шоира мухлисларга “Аёлга эҳтиром”, “Ватан суврати”, “Тонгга қасам”, “Вафонинг ифбат йўли” каби асарларини тақдим этди. Шеърлар, публицистик мақолалар қаторида ҳикоялари ҳам ўқувчиларда катта таассуротлар уйғотди.

Ижодкорнинг асарларида Ватанга меҳр-муҳаббат, ўзбекона самимийлик уфуриб туради. Унинг дostonларида, публицистик тўпламларида ўзбек аёлининг садоқати, кунгил кечинмалари, соф севгиси юқори ўринни эгаллайди.

Ҳумоюн АКБАРОВ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Шароф Рашидов ижодига, аввало, унинг салафлари – Абдулла Қаҳҳор, Гафур Ғулум, Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухторнинг муносабати қандай бўлган?

— Шароф Рашидов асарлари инсониятнинг умумгуманистик ғояларини миллий ғоялар билан тўлдириб тўлиқиб куйлаган ва бадий тасвирини берган. Айниқса, севги-муҳаббат тараннумлари, она юртга ошиқлик, табиати эъзозлаш (лоқақ Муротали ва ўрик дарахти, чўллар поэзияси, сув ва инсоният тақдир мавзуларининг унинг романларида шорона тарзда ифодаланганлиги ва булар бизга романларни мутлоа қилган чоғларимизда юрагимизга чуқур кириб борганлигини эслайлик). Коммунистик ғоялар йўналишидаги талқинлари қарамасдан Шароф Рашидовнинг романлари, шеърлари катта ҳарфлар билан ёзиладиган Инсон ва Меҳнат, Ватан ва фаровонлик йўллари ҳақидаги асарлардир. Улар янги инсонпарварлиқни куйлагани ва улуглагани билан ажралиб туради.

— Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида миллий адабиётни ривожлантириш, маданият, санъат, адабиёт соҳалари вакиллари қўллаб-қувватлаш борасида нима ишлар қилган эди?

— 1959 – 1983-йилларда давлатнинг биринчи раҳбари бўлиб турганлари ва мамлакатни кенг қамров билан бошқарган даврларда адабиёт, санъат, маданият соҳаларини олиб қараганда, бу соҳаларда республикада орбитани биринчи раҳбар Шароф Рашидов белгилар ва бошқарди. Совет давлатида эркинлик мутлақо йўқ эди. Истисносиз барча соҳалар ҳукмрон тузум ва ҳукмрон партия томонидан Марказдан бошқариларди. Марказ истибоднинг мутлақ янги шаклини яратган эди. Бунга бўйсунмаганлар тўхтовсиз ва дарҳол маҳв этиларди. Инсон эрки мутлақ қадрсизланган эди. Аммо Шароф Рашидов талантли катта ёзувчи эди. У инсон, миллат ва унинг эрки, мустақиллиги ҳақида уйлашмаслиги мумкин эмасди. Бундай ҳолда у ҳеч қачон шоир ва ёзувчи, мутафаккир бўлолмасди, асло. Ҳеч муболағасиз баралла айтиш лозимки, шу даврда Ўзбекистон ёзувчилари, санъаткорлари, маданият,

илм-фан намоёндалари истисносиз Шароф Рашидов теварагида жипслашган эдилар. Шароф Рашидов ҳокимият тепасида туриб, айни чоқда ўзини улар қаторида деб ҳис қилар, уларнинг бири каби ҳаракат қилар, ўзини асло ягона ва бебаҳо каби тутмасди. У адабиётимизнинг улугвор ўтмиш намоёндаларини ҳурмат қилгани каби замонадошлари, тенгдошлари, ҳамқурларини ҳар қандай шароитда эъзозлаш, қадрлаш, тақдирлашга йўл топар, Ойбекка Ойбекча, Миртемирга Миртемирча, Зулфияга Зулфияча, Абдулла Қаҳҳорга Қаҳҳорча. Тенгдошлари Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулум, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзийларга Раҳмат Файзийларча олижаноб садоқатли ижодкорлик муносабатларида бўлар ва ҳеч қачон беписанд ва тақаббуллик билан қарамасди. Мақсуд Қориев, Саъдулла Кароматов, Улмас Умарбековларни шоғирд билиб, тарбият ва марҳаматини сира дариф тутмасди. Шароф Рашидовнинг олижаноблиги, ажайиб инсонпарварлик принциплари, тамойилларига тан бермаган, баҳра олмаган ёзувчи, адиб санъаткор йўқ дейиш мумкин. Бунинг мисоллари унинг ҳаёти шонли саҳифаларида тўлиб-тошиб ётибди. У ҳатто айрим романлари устида Абдулла Қаҳҳорнинг кескин ва баъзан бирёқлама танқидларидан хафа бўлмас ва бундай ҳолларни бадий адабиёт ва санъатнинг азал табиатидаги мунозаравийлиги билан баҳоларди. Шароф Рашидов бағри кенг ва адолатли адиб ва мутафаккир эди.

— Ўзбек адабиётини собиқ иттифоқ ва жаҳон миқёсида танитиш борасида Шароф Рашидов нима ишлар қилган эди?

— Ҳеч ким адиблар, санъаткорлар, маданият намоёндалари, илм-фан арбобларини XX асрда Шароф Рашидовчалик қўллаб-қувватлаган эмас. Қўллаб-қувватлаш деган ажайиб инсонпарварлик ҳар замон-ҳар замонда эпизодик тарзда эмас, балки мунтазам, изчил, доимий асосда рўй берарди. Мен унинг бу борадаги катта миқёсдаги фаолиятига разм солиб, у инсонпарварликда Навоий, Ҳўжа Аҳрор Валий ва қолаверса илгари оташин Ҳамид Олимжондан ибрат, ўрнак олмаганмикин, онгли суратда уларни давом эттиришга интилмаганмикин, деб уйлаб юраман. У Навоий ҳақидаги манави сўзларини ўз ҳаётидан олмаганмикин: “Навоий тақдирга тан бериб ўтирадиган кишилардан

эмасди. У руҳий таназзулдан қутулиш йўллари тинимсиз қидирди ва мана шу оғир, изтиробли изланишларида ғолиб чиқди. Изланишлари ўлмас газаллар бўлиб қозоғга тушди”.

Шароф Рашидов Мурунтов олтин конларини очган ва ишга туширгандек, чўлларни ўзлаштириш ишларини жаҳд давом эттирган, республиканинг энергетик потенциалини мислсиз ривожлантиргандек, Тошкентда метрополитенни изга қўйгандек, “Панорама”, “Халқлар дўстлиги” сингари бебаҳо замонавий шаҳарсозлик дурдоналарини бунёд этгандек, адабиёт ва санъатда ҳам шу даражада улугвор ишларга йўл

— XX аср ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқиш ва танитиш асли Шароф Рашидовнинг энг буюк ишларидан эди. У Навоий ижодини ёритиш ва халққа тушунарли қилишга доимий эътибор қаратди. 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллигини халқаро миқёсларда нишонлади. 1973 йили Берунининг 1000 йиллиги қанчалар улуг шуқуқ билан ўтказилгани, жаҳоннинг буюк олимлари Ўзбекистонга ўшанда тан берганлари, илк Беруний асарлари тўла нашр қилингани ҳали-ҳамон эсимизда. Шароф Рашидов Масков билан келишиб, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ёзувчилари, ёш адиблари, киночиларини катта

бойликларимиз бўлмаса ва улар халқ манфаатлари йўлида ишга туширилмаса, илм-фанга мислсиз ғайрат кўрсатилмаса, ахлоқ ва маънавият асослари солинмаса, биз пайти келганда мустақиллигимизни сақлаб қола билармидик. Ўз пайтларида қанчалар ҳаммамиз шошиб қолгандик. Ўшанда Шароф Рашидов яратган қудратли замин, унинг азиз жонбахш руҳи бизга мададга келди ва биз рўй-рост қаддимизни ростладик. Кўргуликларни енгиб ўтишга муяссар бўлдик. Замонадошлари ва сафдошлари Шароф Рашидовни: “У яхшилик учун туғилганди”, деб тан олганлар. Мана, биз оламшумул фаолият

бўлди! Шароф Рашидов озодлик ва мустақилликка жонжон юрти билан бирга кириб борди.

Шароф Рашидов номи фақат кейинги йиллардагина чинакамга ардоқланди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йил 27 мартда “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарор халқимизнинг фидойи фарзанди, эл-юртимиз тарихида муҳим ўрин тутган Шароф Рашидовнинг номини улуглаш ва хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишларга кенг йўл очди.

Бу беназир шахс республикамизни жуда оғир ва мураккаб йилларда бошқариб, эл-юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Ижтимоий ва адабий фаолияти билан маданият, адабиёт соҳаларини доим қўллаб-қувватлади.

— Шароф Рашидов Ўзбекистон тарихида қандай ўрин тутди?

— Янги Ўзбекистон тарихини, мустақиллигимизни, адабиётимиз, санъатимизни Шароф Рашидовнинг ёрқин ижодисиз, унинг улугвор, салобатли, адолатли сиймосисиз ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги ва келажак адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз ва бутун тараққиётимизни Шароф Рашидовнинг ёрқин романтик, Навоийга эш ғояларисиз, дунё симфониясидек жанранглаб турган ва мангуликдан дарак бераётган “Қашмир қўшиғи” сиз, “Икки дил достони” сиз, “Ғолиблар” сиз англаб, билиб, тушуниб бўладими! Шароф Рашидов ҳаётининг барча жаҳдалари, барча майдонларига умрининг барча дамларида ғолиблар деган сўз ва тушунча билан кириб келди. Миллатни ғолиб бўлишга қачирди. Мусаффо тонларда ғолиб халқнинг қўшиқларини айтди. Сен ҳаммиса ғолиб бўл, эй жондошим, халқим, деди. “Қашмир қўшиғи”ни ҳозир дунё халқи худди Дафнис ва Хлояни ўқиган каби, худди Трестан ва Изолданинг мангу жонли нафасига бор эҳтирос билан шерик бўлган каби ўқийди. Жаҳонга шундай чиқиш ва шундай муносиб ном қолдириш Худойимдан тортиқ азал қисмат эмасми! Унинг тарихдаги ўрни асарлари ва ўлмас улугвор ишлари баробаридадир!

Салим АШУРОВ сўхбатлашди

МУҲАББАТ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, адиб ва таржимон

Иброҳим ҒАФУРОВ билан сўхбат

очди. Шароф Рашидов замонида, асосан, унинг ташаббуслари билан биз “Алишер Навоий”, “Улугбек хазинаси”, “Оловли йўллар” сингари замонида кўп шов-шувларга сабаб бўлган кўрсериали ажайиб фильмларни кўриш ва андак бағримизни кўтариб юришга муяссар бўлдик. Адабиётимизда тарихни ёритишга эътибор кучайди. Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Абдулла Ориповларнинг шедеврлари дунёга келди. Бадий таржима соҳаси, айниқса, гуриллаб яшнади. Жаҳон адабиётининг ноёб ёмби асарлари ўзбек миллий тилида порлок янроқларини топди. Тан олайликки, Шароф Рашидов Дантенинг “Дўзах”, Гётенинг “Фауст” асарлари ўзбек тилида янграшига бош-қош бўлган, дунё мумтоз адабиёти таржималарига кенг йўл очган ва биз ҳам рағбатланиб, Достоевский романлари таржималарига журъат этган эдик. Гомерлар таржима қилинганди. Шароф Рашидов “Ўзбек халқининг янги авлоди етишди” деб ёзган ва шу авлоднинг дунёга чиқиши учун буюк йўл очганди. Унинг бу майдондаги ишларини санаб адо этиш қийин.

— Шароф Рашидов ўзбек давлатчилигини ривожлантириш, республикани тараққий эттириш борасида нима ишларни қилди-ю, нима ишларни қилишга улгура олди?

миқёсда Ўзбекистонимизга чорлаб олиб келди. Халқлар ўртасидаги танишувлар, яқинлашувлар, бир-бирларини англовларга мислсиз йўллар очди. Биз ўшанда бутун дунёнинг улуг адибларини кўрган, уларнинг маърузаларини тинглаган, асарлари билан танишишга муяссар бўлгандик. Эҳ, қандай суюнганларимиз ҳали-ҳамон эсимда! У турли адибларимизнинг хотираларини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш учун қанчалар жонқурлик қилмади дейсиз. Унинг бундай ишлари шунчалар кўп ва улугвор эдики, мохиятан Нобелдан ҳам юксакроқ мукофотларга сазовор эди. Бу ишлар барча замонадошларимизнинг кўз ўнгига бўлиб ўтган.

— Шароф Рашидовни қоралаш кимларга нима учун керак бўлган эди?

— Қанчалар галатироқ эшитилмасин, аммо ҳолисанилло айтганда, Шароф Рашидов ўзининг ташкилотчилик ва ижодкорлик фаолиятида шундай улкан миқёсдаги ишларни амалга оширдикки, бундай тагини уйлаб ва чамалаб қарасангиз, уларнинг ҳаммаси жамулжам ҳолда ҳозирги асил мустақиллигимиз, озодлигимиз тамал тоши эканлигига амин бўласиз. Тоғ-металлургия комбинатларимиз, мислсиз олтин, уран, газ, нефть

тига қараб айтишга журъат этамизки, у мустақиллик учун туғилганди! У юртимиз озодлиги учун туғилганди! У ўзбек янги давлатчилигини янгилаган тарзда Темир тузуқлари асосида, Навоий гуманизми асосида қуришга ҳаракат қилди. Бир кўзингиздан ўтказинг, Шароф Рашидов бунёд этган шаҳарларни, шаҳарсозликнинг анъанавий ва замонавий тамойилларини! Ҳозир ўша ҳаётбахш тамойиллар янги жило олиб, зафарли давом этмаяптими! Кўзи бор кўради! Ақли бор англапти! Фикири бор ҳаққоний баҳосини беради, тарихий адолатни тан олади! У фақат биз билан бирга мустақилликка етишолмади, холос. Уни ўз вақтида оғиз қўптириб қоралаганлар адолатсизлик тўфонларида бедарак маҳв бўлиб кетишди. Осмонга тупуриб бўлмаган! Ерга хиёнат қилган хорлик тоғгай! Бутун бир золим ва адолатсиз бошдан-оёқ ёлғончи системанинг барча катта, кичик гуноҳларини бир садоқатли фозил фарзанднинг бошига ёғдирдилар. Асли айб ва ҳамма айб системада! Миллионлаб қурбонлар қилган, маҳшароғхлар тузган ғайринсоний тузумда! У шунчалар ғайринсонийки, ҳатто ўзига мислсиз садоқат билан жонбозлик қилган зотни ҳам аямади. Ғуридан қазиб олди, номини бўлғашга уринди. Ва барибир охири вой

НАМАНГАННИНГ ЎЗГАЧА ТОНГИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мухтарам Президентимиз томонидан маърифий соҳада олиб борилаётган изчил сиёсат, амалга оширилган улкан бунёдкорликлар ва кўлга киритилаётган ютуқлар халқимизни янада руҳлантириб, ёрқин келажакка ишонч уйғотди. Барча вилоятлар кесимида, жумладан, Наманган вилояти тимсолида ҳам буни аққол кўриш мумкин. Мактабгача таълим тизимининг яратилиши, умумтаълим мактаблари моддий-техника базасидан тортиб, таълим сифатига эътибор қаратилиши, олийгоҳлар сони ва салмоғининг оширилиши ушбу ислохотларнинг дебначисидир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мухташам маъмурий биноси, Адиблар хиёбонининг барпо этилиши, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Уюшмага аъзо бўлиш, китоб чиқариш борасидаги қўлайликлар, ёшлар ижодига алоҳида ғамхўрлик қилинаётгани, ижод ёғларни, тоғли худудларда қад ростлаётган илҳомбахш қошоналар кимни ҳам илҳомлантормайди дейсиз?!

Бу борада Наманган вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ким бунга шубҳа билан қараса, Наманганга



келсин, “Афсоналар водийси”ни, минглаб ишчи ўринларига эга қатор саноат зоналарини, мухташам “Маърифат маскани” ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг гўзал, бежирим офисини кўрсин, сайр этиб завқлансин.

Бугун вилоятга бир гуруҳ таниқли ижодкорлар ташриф буюрган. Маърифат карвони ўзи билан ўн мингга яқин янги бадий китоблар келтирди. Республика Маънавият ва Маърифат маркази раҳ-

бари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, маданият ишлари вазирлигининг гузал, бежирим офисини кўрсин, сайр этиб завқлансин. Бугун вилоятга бир гуруҳ таниқли ижодкорлар ташриф буюрган. Маърифат карвони ўзи билан ўн мингга яқин янги бадий китоблар келтирди. Республика Маънавият ва Маърифат маркази раҳ-

ят раҳбарияти, Наманган аҳли томонидан Президент ғояларини изчиллик билан ҳаётга татиқ қилинаётгани эътироф этилди. Маърифий тадбирларига уйғун равишда 60 нафар эҳтиёжманд, 120 нафар муҳтожни ўз бағрига олган 120та хонадоннинг уй тўйлари ўқазилди. Нафақат хонадон соҳиблари, балки пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонларга ҳам бундай қувончли лаҳзалар ўзгача руҳ бағишлади.

Юрт тинчлиги ва равнақига муносиб ҳисса қўшган кексалар, иқтидорли ижодкорлар рағбатлантирилди. Айниқса, турли маҳаллар, олийгоҳлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ногиронлар уйлари, хусусан, Ибрат номидаги ижод мактабидеги ижодий учрашувлар мазмунга бой бўлди. Ҳаётдан бевақт кўз юмган Обидхон Мамадалиевнинг уюшма ҳомийлигида чиқарилган янги китоби тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ шоири Ҳабиб Саъдулла ва Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов қадрлари зиёрат қилинди. Бир сўз билан айтганда, халқнинг кўтаринки кайфияти бизга ҳам юқди ва тадбирлар барчада унutilмас таассурот қолдирди.

Зиёвуддин МАНСУР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари

Наманганжон, лафзу омад мурасиси, Наманганжон, гулистонлар гулкосиси.

Осмонларни ушлаб турган оқтераклар, Болу шарбат, узум тулган сўритоклар, Боги Эрамларда топилмас эртаклар Наманганжон, ровийларнинг афсонаси, Наманганжон, мозийларнинг дурдонаси.

Кўнгли тоза элни суйиб қўллағай Ҳақ, Интилганни ёри Худо, Расул барҳақ, Бўйларингга қурбон бўлай, муаззам халқ – Наманганжон, пири комиллар нафаси, Кўз тегмасин! Шудир шоир хулосаси!

Сайёра ТҮЙЧИЕВА



Маълумки, республикамизда 15 октябрь – “Халқаро қишлоқ аёллари куни” деб эълон қилинди. Сана муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ижодкор аёллар ўртасида қишлоқ ҳаётига бағишланган шеърлар, ҳикоя, ҳикоса ва қиссалар Республика ижодий танлови ўтказилди. Унда қаламкаш аёллар 3 йил давомида матбуот ва китоб ҳолида қатъ этилган ташкилотчилик ва ижодкорлик фаолиятида шундай улкан миқёсдаги ишларни амалга оширдикки, бундай тагини уйлаб ва чамалаб қарасангиз, уларнинг ҳаммаси жамулжам ҳолда ҳозирги асил мустақиллигимиз, озодлигимиз тамал тоши эканлигига амин бўласиз. Тоғ-металлургия комбинатларимиз, мислсиз олтин, уран, газ, нефть

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



— Жорий йилнинг 27 сентябрдан 17 октябрга қадар ижодий ишлар қабул қилинди, — дейди уюшма бўлим бошлиғи Фароғат Худойкулова. — Ҳайъат аъзоларига 30 дан ортиқ муаллифларнинг 50 та ижодий ишлари тақдим этилди. Ушбу материаллар нашр этилган китоблар, матбуотда эълон қилинган материаллар жанр таснифи бўйича шеърли тўпламлар, шеърли туркумлар, ҳикоялар, қиссалардан иборат.

Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини уйғотадиган, ажодларимизнинг маънавий меросини ва миллий қадриятларимизнинг асралишида, ижтимоий ҳаётдаги ютуқларимизда, қишлоқ ҳаётидаги янгилашлар, ёш авлод қалби, онгида ҳавас ва интилишлар уйғотадиган ижодий асарлар ҳайъат аъзолари томонидан ҳолисона баҳоланди.

— Танловда 2-ўринга муносиб кўрилганимдан хурсандман, — деди Хоразм вилояти иштирокчиси Шоира Шамс. — Унда “Жавриқим жондин ўтар” ва “Ийғалаётган қуш” шеърли тўпламларим билан иштирок этдим. Ёзганларимда қишлоқ аёлининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини кўрсатишга, қалбидеги армонлари, орзу-умидларини мисраларда очиб беришга ҳаракат қилдим. Албатта, бу каби танловлар қишлоқ аёлининг кадр-қимматини, жамиятдаги нуфузини кўтаришга хизмат қилади, деб уйлайман.

Ғолибларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид диплом ва эсдалик совғаларни топширди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

Шарифа САЛИМОВА



Ватан, айланайин, туфроқларингдан,
Сося-салкин берган япроқларингдан.
Мен дарё кўксиди Ватан кўрдим, деб,
Чўққидан отилган ирмоқларингдан.

ВАТАН, АЙЛАНАЙИН, ТУПРОҚЛАРИНИНГДАН...

Юз чайгум иймондек қирғоқларингдан.
Қирқ бошли аждарҳо бўлиб кўрдилар,
Меҳробингда чаён бўлиб кўрдилар,
Хунларга, кинларга тўлиб кўрдилар,

Гуриллаб дуога қўл очар пирлар,
Ёш чинорга қараб, кўзлари ёниб.
Фаришталар "омин" айтиб турарлар,
Само ёришар нур чақмоқларидан.

Тоғ дегин, самога чўққим етади,
Кўёш де, андуҳлар эриб кетади.
Сочларим тун дегил, юлдуз бўламан,
Богимсан, де, ўлмас илдиз бўламан.

Бугун мен оқушман. Чиқардим қанот.
Тупроқман. Илдизни севдим умрбод.
Озодман..нур каби, куш каби озод...
Айт, нега сен мени яширолмадинг.

ЧИНОРЛАР

Бу улкан чинорлар мамлакатиди
Тоза, соф ҳаволар ҳукм суради.
Бунда сир-синоат ҳатто япроқлар,
Кушчалар одамга ўхшаб кулади.

ГУЛ ДЕСАНГ...

Гул десанг, мен албат тулга дўнаман,
Қул десанг. мен албат қулга дўнаман.

ТУПРОҚ ЎЗ КЎКСИГА...

Тупроқ ўз кўксига илдиз яширди,
Само ўз кўксига юлдуз яширди.
Тун қаро кўксига кундуз яширди,
Айт, нега сен мени яширолмадинг.

ҲАР ЗАРРАДА...

Нечун бунча ям яшил боғлар
Самодаги булут бунча оқ,
Ботаётган қуёш нурлари
Нега қондан кўра ёрқинроқ.

Ян РАЙНИС

Латвия



ДАУГАВА

Заминнинг жами суви Даугавага оқар,
Осмоннинг жами суви Даугавага ёғар,
Даугава мўл сувни ўзиди жамлагайдир.

Даугава кун буйи қўшиқ айтар мастона,
Оқшомлар сўзлагани – сир, асотир, афсона,
Тунлари асрорларга доялик айлагайдир.

Даугава – кўз очган ҳар битта дилга она,
Шу боис кўнгил унинг атрофида парвона,
Даугаванинг суви жонлар бағишлагайдир.

Даугава сувости дарёсига интилар, –
У эса дарёларнинг дунёсига интилар,
Даугава дилларни дунёга боғлагайдир.

Қароғинг кулади,
Дудоғинг кулар –
Бир ширин-ширин,
Бир хумор-хумор.

Кўзингдан ўпаман,
Улар маъсум, жим.
Лабингдан ўпаман,
Лабларинг таслим.

Ўқситиб кўйдим-а?
Кулсанг-чи яна –
Бир ширин-ширин,
Бир хумор-хумор
Кулсанг-чи яна.

ҲАРАКАТ

Гўшам қайда, дилором?
"Бир оромбахш овлоқда".
Қай ерда ўша ором?
"Ҳаёт тугаган ёқда".
Оҳ!..

Ишонмадим негадир.
Ишончдан
Сўрдим охир:
– Айтгил, ором қайдадир? –
"Ҳаракат бор жойдадир!"

ТУН СУКУНАТИ

Кундуз бунёд, тунда вайронми дунё,
Зулматда кўз ёши равонми дунё, –
Бу хусусда лом-мим демас тун.

Кечанинг ҳузуро ҳаловати мўл,
Лек ҳаммага етар маломати мўл! –
Бу хусусда лом-мим демас тун.

Элни уй-уйига тун этса маҳкум,
Ундан қочиб, кунга етоларди ким?! –
Бу хусусда лом-мим демас тун.

Сафо дейди, банд, тонгдан шом қадар,
Тунда-чи, дилингни ўртар не қадар? –
Бу хусусда лом-мим демас тун.

Неки бор кундузи ёрқин, гуногун,
Барчасин мағзию илдизидир тун. –
Бу хусусда лом-мим демас тун.

ЮРТ МАДАНИЯТИ

Ҳашаматли либос, емаклар,
Иморатлар – сарой тийнатли.
Зарбоф, барқут, шойи-ипаклар, –
Шуми юртнинг маданияти?

Ханжар, милтиқ, яна не қурол,
Зўрлаб жорий этилган иқбол,
Кўрқув, айғоқ, халқ афтодаҳол, –
Шуми юртнинг маданияти?

Тубанлик, сохталик, ҳам гўллик,
Ҳокимларга қуллук ва қуллик:
"Қол, деса – қол, ўл, деса – ўлдиқ" –
Шуми юртнинг маданияти?

Бундан ортиқ зийро ҳеч эрмак,
Борми бундан зийроқ хорлик.
Маданият – ахир, бу демак –
Хурлик, меҳнат ва бунёдкорлик.

ҲАЁТ

Фақат сени қучсам оғушларимда,
Фақат сенинг кўзларингда термулсам,
Фақат сенинг нафасингни симирсам!

Фақат сени қучсам оғушларимда,
Фақат сен деб яшаб ўтсам яхши-да,
Бутун умрим сенга бўлса бахшида!

Рус тилидан Ғулом МИРЗО таржимаси

Муҳаббатни, ишқни мадҳ этгин дея
Мени ўртамагин, жоним қаламим.
Қандоқ ёзай дилга завқ инди, дея,
Аламдан жизганак булганда таним.

Армондан ёз, десанг, дoston ёзарман,
Ҳасрат саҳросида сой бўлиб оққум.
Бахтдан ёзсам, билгин, ёлгон ёзарман,
Сўнг дунё юзига қай юз-ла боққум.

Қарагин, пойимга сочилмиш хазон,
Дардларим осмону ўзим ерданам.
Бир ёним армондир, бир ёним ёлгон,
Юрибман ярадор шу кўнгил билан.

Ғуссамни аритгин, далда бўл менга,
Адоқсиз алдовлар толиқтирди кўп.
Озорлари тигдай ботар кўнгилга,
Бабурд экан дунё, дунё талотўп.

Ситамим сидиргил сиёҳинг билан,
Андуҳларим буткул чекинсин нари.

ХАЁЛ ОХАНЛАРИ

Умиддан ярамга боғлаб қўй малҳам,
Соғайиб, даст туриб кетай илгарди.

"Ёрилтош"дан ёзай, жоним қаламим,
Мужгонларим ёшли, кутмоқдан толган.
Ана кўргин, менга аталган бахтим,
Тераклар учига илиниб қолган...

Эҳтимол, сен учун ҳисларим эрмак,
Хаёлингда, балки мутлақо йўқман.
Номаи аъмолинг жоним куйдирмак,
Ишқнинг кипригига осилган чўғман.

Товоним қизийди чўғдай тупроқдан,
Танимга қон билан киради олов.
Дийдорингни излаб яқин, йироқдан,
Соғинч оташида қуяман лов-лов.

Тақдир тегирмони айланаверар,
Минг тус эркалигинг ютиб бораман.
Аҳли ағёрларим шайланаверар,
Азал йўлагидан ўтиб бораман.

Кўнгил қўли чўзиқ гадоман беҳол,
Куйган кўзларида хазон суратли.

Юракка куз солган нақш ҳам увол,
Ошиқман, ичиккан армон сийратли.

Худбинсан, лек, қалбим талпинаверар,
Фаромуш кўнглимга муҳдир исминг.
Тош юрагингдан, айт, қандай сўз унар,
Айт, қандай жумбоқсан, қандайин тилсим?

Беқарор ошиқсан, мағрур ва лоқайд,
Ғуруринг бош эгмас ишқнинг олдида.
Майлига, қулбамга киргин, муҳаббат,
Кибрингни қолдириб эшик ортида.

Кўнглим, қайғуларинг қилади таъқиб,
Келақол, дардингни ташлай парчалаб.
Сувга отсам улар чиқмоқда қалқиб,
Оташларга отсам ёнмас, вожааб.

Боққин, юрагимда сўнаётир чўғ,
Йиғига фарқ бўлиб бормоқда кўзим.
Осмонининг, қара, камалаги йўқ,
Тунлари кўринмас менинг юлдузим.

Нозинг тошдек оғир, ипақдай инжа,
Ўрлигинга энди қиллолма тоқат.
Шундай кўнгиллор бор, атрофга қара,
Муҳаббат деб нафас олишар фақат.

Рухим осмон бўлса, тўшагим майса,
Тоғлар – оғаларим, жамбилдир синглим.
Айбим не, демасдан келақол, йўқса,
Кўнглим қолиб кетар сендан, эй кўнглим.

Сойнинг жилдираши жонларга малҳам.
Мавжларида оқиб борар минг бир алам,
Ишқ куйида Зайнабдайин битта санам,
Сиздан мужда кутиб жони ҳалак, бегим.

Сулув фасл сепин ёяр кўз-кўз этиб,
Кўклам кўнглим овлай дейди гуллар тугиб,
Қаранг, фироқ оғусини ютиб-ютиб,
Йулингизга интизор бир малак, бегим.

Рашк олови минг ўртасин бағрим ёқиб,
Жилмаяман, муҳаббатдан мунчоқ тақиб,

Малоҳат МИРЗАЕВА



Ул ғамзалар ишқимизга бўлмас рақиб,
Лек хавотир ичра урар юрак, бегим.

Бепарволик тигин санчманг сиз юракка,
Умидимни парчаламанг минг бўлакка,
Шу бугуноқ, севаман, деб айтинг шартта,
Муҳаббатни асло қилманг эрмак, бегим.

Кимга сафо, кимга ғавво фоний дунё,
Кимларгадир ишқ арзанда, кимга рўё,
Менинг учун аталгани шумикан ё
Жавобсиз ишқ гулханида куймак, бегим.

Жавобсиз ишқ гулханида куймак, бегим...

Аҳмад АЪЗАМ



Эски шаҳарнинг эски бир ҳовлисиди
тураман.

Дуплидек ҳовлича, ёзув-чизувим
билан унга сигмай, тепага – болохонага
чиқиб олганман; деразадан фақат томлар,
томлар орасидан бошини чиқарган
дарахтлару онда-сонда учиб ўтган кушлар
кўринади; офтоб нури тўғри мен ёзадиган
қоғозларга тушади, кўзимни қамаштиради;
шовқин йўқ, ҳаммаёқ осойишта – сенга
нима етишмайди, истаганинча тўйиб-тўйиб
ёзмайсанми, дейман ўзимга.

Лекин ҳеч кўнглим тўлмайди, нима-
гадир бўм-бўш; болохонага чиқиб олган
бўлсам-да, паства рўзғоримдан баландда
эмасман, турмуш ташвишлари худди кўрдан
учган қурумдек келиб қоғозларимга
тушаверади – ёзганларимда майда-чуйда
кўп, баландлик йўқ.
Осмон тоза, офтоб ҳамишагидек ча-
рақлаган бир кун эди, деразадан қараб
шуларни ўйлаб ўтирган эдим, бирдан
томлар кўзимга бошқача кўриниб кетди:
ҳаммаси туташ, бир-бирига кифтини тира-
раб, паства яшаётган оилаларнинг аҳил ё
аразлашганига қарамай, келишувчилик
билан ястаниб, қуёшнинг нурида бирга-
лашиб исинаётгандек туюлди: мисоли
эрта кўкламда офтоб-шувоққа ёнбошлаб,
ундан-бундан иноққина гурунғ қурган,
олтовлон ола бўлмаган оға-инилардек...
Бир-бирининг шу дунёда борлигидан, қа-
торлари қамайганидан қувониб, шу-
қувончаларни хангомалашиб ўтирган, ҳали
ҳам забардаст, ҳали ҳам чорпахил чол-
лардек... Хуллас, бир-бирини кўрсан, юзи
яшнаб кетадиган одамлардек...

Дарахтлар ҳам томлар орасидан
бўйинини чўзиб, шамолда аланлаганча,
бир-биридан ҳол-аҳвол сўраётгандек
кўринди.

Яна биридан бирига нур ўтаётган қув-
ватсимларнинг томлар бошини қровушти-
риши; кечаси ҳовлиларнинг бирида чироқ
ўчса, ҳаммаси зимистон ичида қолади;
ёруғ оқиб келса, баравар бўлашиб олади...

Ҳозир ҳаммасининг тепасида чарақла-
ётган битта қуёш, баланд-баландларда
кўкиш товланаётган ягона осмон!

Томлар бир-бирига соя ташламайди,
осмонни, қуёшни бир-биридан қизганмай-
ди; буюғлардан жой таллашиб қирқиллаша-
ётган чумчуқларнинг кунчоқлигига бе-
парво. Гуё томлар аҳил, атроф тинч бўлиб,

сида, унинг ранглиридан кўзи қамашиб,
унинг чексизлигидан ақли шошиб қолган
чумолидек, анқайиб тураверар эдим.

Кўнглим орзиқиб, қани эди-я, шуларни
ёзсам, деб ўйладим. Ичимдаги шу туйғу-
ларни қоғозга туширсам: ёзганларимни
ўқиганлар уларда шу томларни, дарахт-
ларни, осмонни, офтобни ва шу устивор
кенгликка қараб қувониб ўтирган ўзимни
ҳам кўришса, ўқийтиб менга ўхшаб қувони-
шишса...

Э, шоир эмасман-да! Агар шоир бўл-
ганимдами!

Лекин шоирларга ўхшаб ҳаяжонланиб
кетдим. Ҳаяжонимни ёзмакчи бўлдим,
майли-да, шеър бўлмаса ҳам, кўнглимга
яраша:

ВАТАН ҲАҚИДА ЁЗИШГА
КУЧИМ ЕТМАГАН ШЕЪРИМ

ташвишландиган каттароқ гап топилма-
ганидан зериккан чумчуқларга майда-чуй-
дадан бошқа ташвиш қолмагандек...

Ўқсақлардан ўтиб қолган катта кушлар
томларга соқчи, осмоннинг кўкрагига расм
чицаётган қалдирғочлар – хабаркаш...

Бу кўринишда... Эҳ!

Айтиб беролмайман.
Шу ўтирган жойимда, болохонам, ҳов-
лим, қоғозларим билан бирига, ўзим ҳам шу
кўринишнинг бир бўлаги эканман; кўриб
турибман, кўрганларимни уяқламан: ҳали
бу ҳаммаси эмас, кўз олдимдаги кўриниш
тасаввуримга сигмаётган жуда катта, чек-
сиз-чегарасиз манзаранинг бир бўлаги, бир
парчаси, холос, деб ўйлаяпман.

Бу – тириклик, мен ҳам унинг ичида
тирикман: шулар бўлмаса, мен бўларми-
дим!

Ғалати бўлиб кетдим.
Мен бу манзаранинг ўртасида ўтириб-
ман, агар ҳозир болохона томига чиқиб,
чор-атрофга назар солсам, ҳамма ёқда шу
манзаранинг парчаларини кўрар, худди
ҳадисиз-худудсиз, яшноқ гиламининг ўрта-

агар тўрт деворни битта томга жуфт-
лаб, оламга кириб-чиқилмаган эшик
очилса, уй бўлади;

уянинг деразаларидан ос-
мон оқиб киради, агар уйлар
бирлашиб,
бетма-бет турса кўча, кўчалар бир-би-
рига уланса, – қишлоқ бўлади; қишлоқ-
нинг йўллари бошқа қишлоқларга оқиб
чиқади;

агар қишлоқлар қўшилиб, томлар
бир-бирига кифтини тутса, чорраҳаларда
бошини бошига тираб кўчалар гурунгла-
шиб ётса – шаҳар бўлади; шаҳарнинг уй-
лари офтобга қараб ўсаверади, йўллари-
дан яна-яна қишлоқлар оқиб келаверади;

агар шаҳарлар, қишлоқлар, далалар,
қирлар, яйловлар, саҳролар, чўллар,
тоғлар, дарёлар уйлари, дарахтлари,
ўт-ўллари, сувлари, тупроғи, тоши, ша-
моллари, жонзотлари ва одамлари билан
битта қуёш, ягона осмон остида бирлашиб
кетса – Ватан бўлади – ка-атта!

Бу тирик ҳақиқатни ўзимча шундай
англадим: Ватан кўз олдимга келди, рўйи-

Энди шукронами шеърга солмоқчи
бўлдим.

НОВЕЛЛА

"Ўҳ-ҳў, қанчалар бепоён
экансан, Ватан!"—деб ёз-
дим, қуруқ гап бўлиб қолди;
Ватанга қуруқ гап айтиб бўл-

мас экан.
"Қаъбамсан, Ватан!" – деб ёздим, ле-
кин ўзим Ватанимнинг қоқ бағрида – пой-
тахтида ўтирибман, чор-атрофим – Ватан,
унга букилиб сажда эмас, елиб-югуриб
хизмат қилишим керак, деб ўйладим.

"Эрка ўғлингман, Ватан", деб ёздим,
аммо ёшим қирққа бориб ҳам, ҳалиям бо-
ладай эркалик қилиб юрсам, ярашмас-ов,
деган андишага бордим.

"Ватан, сен – уйлар бир-бирини суяй-
диган, йўллар бир-бирини тинг-
лайдиган, сувлар бир-бирини излайдиган,
мақсадлар бир-бирини сизлайдиган буз-
рук маъвосан, лекин юрагимга сизгасан",
деб ёздим, тузукка ўхшади, аммо шеър
бўлмади.

Энди билмадим: ёзишимнинг бугёи
қандай бўлар экан?
Бу туйғу ярим давлатми ё бутунми?
"Ватан – мен сенинг..." деб ёзаётиб

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Шу кунларда саксондан ошиб, тўқсонни қоралаётган оқсоқол адибимиз, болалар ва катталар шоири, хотиранавис Миразиз Аъзам ижодининг бош пафоси, етакчи хиссий ғояси ҳақиқат ва муҳаббат, Форобий бобомиз таъбири билан айтсак, ҳақиқатга муҳаббатдир. Шоир ўтган асрнинг саксонинчи йилларида битган “Нозим Ҳикмат монологи” шеърида ёзади:

**Ҳақиқатни қутқармоққа дармон керак,
Дармон тугул, балки ҳатто қурбон керак.
Жанглар сари етакловчи фармон керак,
Мен айтмасам, ким айтади ҳақиқатни?**

Бу оташин мисралар қардош турк шоири Нозим Ҳикматнинг машҳур шеъридан улги олган эса-да, улар бизнинг шоиримиз қалбидан отилиб чиққан садолардир. Зеро, ушбу шеър кирган “Сабот” тўплами “Э, ҳақиқат!...” номли шеър билан бошланадики, у юқоридаги мулоҳазаларимизни қувватлантиради:

**Э, ҳақиқат, кўз ўнгимда порлаб тур,
Э, ҳақиқат, кўксим аро ўйнаб юр,
Э, ҳақиқат, қонимда оқ мавжланиб,
Э, ҳақиқат, жисмим аро маскан кур!**

Ҳақиқатга мурожаат тарзида битилган ушбу бандда унинг (ҳақиқатнинг) шоир ва лирик қаҳрамон жисми жонига кириши зоҳирдан ботинга, юздан ичга томон силжиши тарзда руй беради: “кўз ўнгимда”дан “кўксимаро”, ундан сўнг “қонимда” ва ундан сўнг “жисмим аро маскан кур”. Шунда ҳақиқат мавҳум тушунчадан аниқ, реал кучга эврилади. Бу сўнгги бандда янада аниқлашади, фикр ҳадди аълосига кўтарилади:

**Мен розиман қийналса ҳам жаҳоним,
Ўзгинанга садқа бўлсин бу жоним,
Э, ҳақиқат, сен қалбимни этма тарк,
Олга бошла, энг илоҳий раҳбоним!**

Шоир бу сатрларни битганида қирқдан энди ўтган навқирон йигит эди. Фаришта “омин” деган экан, яна шунча умрни яшади ва яшамокда. Умрининг узун бўлгани қалбдаги муҳаббатдан эканига аниқ далил эмасми бу? Шеър давомида муҳаббатнинг миқёси очила боради, миқёс тўлиша боради. Бунда муҳаббат шоирнинг яшашдан мақсад-аъмоли, идеали даражасига кўтарилади:

**Мен муҳаббат учун яшайман,
Ёрга, элга, эрка муҳаббат.
Муҳаббатни сақлаша шайман,
Муҳаббат деб юрибман фақат.**

Биз юқорида Миразиз Аъзамнинг ижтимоий руҳдаги шеърларини кўриб ўтдик. Лекин шоирнинг соф севи оҳангларига тўлиқ интим лирикаси ҳам мавжуд. Эшитинг:

**Ўйкуга кетдингми, толиққанмидинг,
Сочларинг ёстиққа сочилибдир.
Ажабо, оғзингга гул экканмидинг
Лабларингда очилибдир.**

Бундаги гўзал манзара ва ташбиҳ оҳори тўқилмаганлиги билан эътиборни жалб қилади, ҳузур-бахш кайфият уйғотади. “Тераклардан илтимос” шеърида шоир яна шундай гўзал манзара, халқона оҳанг ва хушқайфият яратди:

**Қани десам, оққушим,
барглр бошим сараклар.
Бурунги кўрган тушим
ёр келур, деб дараклар.
Ўйдан чиқса бироз-чи,
Таъзим қилинг тераклар
ва айтинг ул аразчи
Бизга доим кераклар.**

Шу ерда шоирнинг яна бир машҳур шеъри ҳақида гапирмасам бўлмас. У етти ҳижоли мисралардан

ҲАҚИҚАТГА МУҲАББАТ Шоир Миразиз Аъзам ҳақида сўз



ташкил топган, уч банддан иборат. Ҳар банднинг ярми, яъни “Тунларим узун-узун, Тунларим мунча узун?” мисралари такроридан иборат. Сўздан эшилган нозик ҳам чайир арқоқ каби ушбу такрор шеър атмосферасини белгилайди ҳамда ўзидан кейин келадиган мисраларга ҳамоҳанг ва ҳамфикр бўлиб, яхлит фикрий манзара ҳосил қилади. Фақат кўзимиз билан кўрадиган нарсалар тасвири манзара яратмайди, балки топиб айтилган фикр ҳам ўзига хос манзара чиза олади, шу боис уни фикрий манзара деймиз. Илк банддаги такрордан сўнг шундай икки мисра келади:

Ўзунлиги дастидан толиқиб кетди кўзим.

Шундагина англаб қоласиз: шоирнинг лирик қаҳрамони “тунлари”, Исоҳли луғатда ёзилганидек, “Сутканинг кун ботишидан кун чиққунгача, оқшомдан тонготаргача бўлган қисм”гина эмас, шекилли. Шу 1980 йилда нашир этилган “Туйғулар” тўпламидан ўрин олган, демак, у 70-йиллар ўртаси ё адоғида битилган. Ҳайҳот! Бу эркеевар шоирнинг армони, қалбдан чиққан ноласи-ку. Нега ҳая-

жонланмоқдаман — шу пайтгача англаганимни қаранг. Қарамлик, бировнинг қош-қовоғига қараш онлари — “тунларим” — чўзилиб, юз йилдан ошиб кетаётган, тонгдан дарак йўқ эди-да.

Шунда “узунлиги дастидан...” деган ибора, айниқса, ундаги “дастидан” сўзининг машўм кучини ҳис қиласиз. Бу сўз шунчаки “туфайли” эмас, “жабрідан, ёмонлигидан, зулмидан” деган маъноларни англатиши, улар туннинг узунлигини янада узайтираётгандай туюлади. Эркини кутишдан толиққан кўз! Мана сизга юқорида айтганимиз фикрий манзара.

Шундай фикр ва нигоҳ билан иккинчи банддаги такрордан кейинги кўшмирсига боқамиз:

Шунда ҳам қанча дўстим таниб олмади ўзин.

Дастлабки гумроҳ нигоҳда (кўп теран шеърларни ўқиш ва уқишда гумроҳмиз биз) бу мисралар ноаниқдай туюлади — туннинг узунлиги билан ўзини танимаслик орасида қандай боғлиқлик бўлсин. Энди-чи? Теран нигоҳда — узун тунлар шунча чўзилса ҳам (“шунда ҳам...”) қанча дўстлар (гумроҳлар) ўзини, яъни қарамлигини таний олмади, буюк Чўлпон таъбири билан айтганда, улар “кишанлар билан дўстлашди”, бор воқелик, қарамлики қонуний деб қабул қилди. Ўзлигини танимаган авлод, одамлар эрка муносибми, деган кескин савол онгда беихтиёр айланавереди, айланавереди...

**Энди учинчи тўлиқ бандга кўз тикамиз:
Тунларим узун-узун,
Тунларим мунча узун?
Мурса қиллолмадим
Юрагим билан ўзим.**

Бу банд шеърнинг хотимаси, бадийий ечимми ва шубҳасиз, кульминациясидир. Бунда бир вужудда “юрк” билан “ўз” зиддиятга киришмоқда. Ушбу сўнгги бандга келиб кўчим тўхтагандай, поэтик идрокда дастлабки нигоҳга (биз уни гумроҳ нигоҳ дегандик, лекин энди гумроҳликка чек қўйилди, шеърий маъно рамзий босқичдан ўтгач, дастлабки нигоҳ, табиийки, теранлашади) орттирган бағажимиз билан қайтамыз. Дастлабки икки банд рамзий кўчим орқали бизни ижтимоий маънога йўлласса, сўнгги банд шоир ва лирик қаҳрамоннинг ижтимоий маънога қоришган қалб изтиробини бадийий акс эттиради.

Миразиз ака болалар учун ёзган шеърларида ҳам, таъбир жоиз бўлса, фалсафий тағмаъно сезилиб, кўриниб туради. Шоирнинг 1974 йилда нашр этилган “Ер айланади” китоби шундай теран анно-

тация билан (афтидан уни шоирнинг ўзи ёзган) очилади:

“Енгоҳнинг тузилиши инсон миясига ўхшайди. Инсон миясига эса дунё жойлашади. Ер узлуксиз айлангандай инсон миясининг қон томилари юракка пайванд бўлиб, тинимсиз ишлаб туради. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар унда ўз аксини топади”. Бундай фалсафий кириш бежиз эмас. Миразиз Аъзам яратган болалар дунёси ўта ранг-баранг. Унда шўх ва қувнок, тўполончи ва тиришқоқ, хаёланча ва ҳатто ҳазин болалар образларини кўрамыз. Чунончи, “Булут бўлиб қоламан” шеъри қаҳрамони унга қўл кўтарадиган акасига қарата: “Ака, мени урсангиз, Булут бўлиб қоламан” дея нидо қилиб, сўнг шундай дейди:

**Ўзоқларга кетаман,
Тоғларга йўл оламан.
Сира қайтиб келмайман,
Ёмғир бўлиб йиғлайман,
Сув бўлиб тўпланаман,
Дарё бўлиб оқаман
... Қанча афсус-надомат
Қилсангиз ҳам барибир
Мен қайтмайман орқамга.**

Бундай ҳазин туйғулар шоир онгига, бола шу-урига қаердан келди? Турмуш қийинчиликлари, етим ўтган болалик ушбу сатрларга ўз муҳрини босган, шекилли.

“Азизнинг орзулари” шеърида шоир энди бошқача образ яратди:

**Азиз ўзи шўх бола,
Фикри мисли ўқ бола:
Худди нишонга урар,
Тагин илжайиб турар.
Ҳаммани байрон қилар,
Ҳаёлни байрон қилар.**

Анов митти юлдузни ушласа бўладими, соябон тутган одам томга чиқиб ўзини ташласа бўладими, деган саволлар Азизнинг бола онгида гужғон ўйнайди. Тушида ердан ойга кўтарилади, “Қўлларим — кўш қанотим, Руль эса оёқларим...” дея уни уйғотган дўстларидан хафа бўлади. Шеър шундай муносиб яқунланади:

**Ҳозир пойга бошлаган
Орзулари нур билан.**

Орзулари нур билан (нурнинг тезлигини биласиз) пойга бошлаган ўзбек боласи шоир шеъриятининг марказий қаҳрамони дейиш мумкин. Бу шеър шоирнинг болалик автографиясидир балки, зеро, унинг исми ҳам Азиз-ку.

Ўзбек болалар шеъриятининг кўркам намунаси бўлмиш “Бир чўнтак ёнғоқ” туркумида ёнғоқнинг шоир наздидаги турлари ҳақида болаларбоп тарзда шеърий мисралар тизилади. Туркуми ташкил этган шеър номларига эътибор беринг: “Туч ёнғоқ”, “Тўқ ёнғоқ”, “Тош ёнғоқ”, “Касал ёнғоқ”, “Зўр ёнғоқ”, “Ёлғиз ёнғоқ” ва ҳоказо. Шулар орасида сал бошқачароқ номланган “Ган” шеъри бор. Бу сўз Исоҳли луғатда шундай шарҳланади: “Ган. Ёнғоқ ёки данак ўйинида: маълум шаклда терилган ёнғоқ ёки данак тўпи, уюми”.

Шеърда эса у бошқачароқ маънога эга:

**Ган бўлиб тикилдинг, ёнғоғим,
Ган бўлиб тикилдинг ўртага,
Тўртбурчак чегара тўрт ёғинг,
Зарб қутиб ётасан жўртгага.**

Демак, Ган ўртага тикилган алоҳида ёнғоқ. Уни турган жойидан уриб чиқариш ўйин қоидадига кирди. Бир қарашда шеърда болаларнинг ёнғоқ ўйини ҳақида гап кетаётгандай. Лекин шоир биз билан бўлган сўхбатда айтганидек, шеър матнида “йўл-йўлакай маънолар” (шоирнинг ўз ибораси) келиб чиқади. Эшитинг:

**Сен каби бир ёнғоқ – бир соққа
Отилар сени бир урмоққа.
Бир ёнғоқ урилса ёнғоққа
Иккови думалар четроққа.**

Бежиз шеър сўнгига шеър, аниқроғи, ёнғоқ ўйнаётган бола ўртага тикилган ёнғоққа, ганга ҳам ачиниши, ҳам меҳр билан “Гангинам” деб мурожаат қилмайди. Ганда турган ёнғоқ тимсолида шоир кимларнидир кўргандай бўлади. Зеро, туркумнинг “Хотима” деб номланган сўнгги шеърида шундай мисралар бор:

**Енгил тортди иш хонам;
Шеърий ёнғоқ улашдим.
Ёнғоқ бу бир баҳона,
Мен инсон деб курашдим.**

Шундан сўнг шоир юқорида саналган ёнғоқларга бирма-бир шеърий тавсиф берадики, улар бадийий кўчима, рамзлашувга янги қувват бағишлайди. Айтайлик:

**Тўқ ёнғоғим деҳқоним
Сахийимга мадҳимдир.
Касал ёнғоқ армоним,
Жанг қилмоққа ахдимдир.**

Яъни болаларга хос нозик фаҳм орқали ёнғоқ жонли нарсаларга айланади, “инсон миясига ўхшаган ёнғоқ” инсоний муносабатларга кўзгу бўлади гўё. Бунда шоирнинг метин ғоявий позицияси бошқарувчилик қилади.

Оқсоқол адибимиз ҳамон ижод қилмоқда, тафаккур дастгоҳи бетиним ишлаб турибди. Чунки шоир ёзганидек, “Мен муҳаббат учун яшайман”. Бундай ижодкор икки дунё саодатига сазовордир.

**Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори**

КИТОБИНИГИЗНИ ЎҚИДИМ

Катта йиғинларнинг бирида, зўр ёзувчиларнинг аксарияти юристлар қавмидан чиққан, дея атоқли олим, жамоат арбоби Икмал Саидов жаҳон адабиётида чуқур из қолдирган номдор-номдор ижодкорларни мисол тариқасида санаб ўтган эди. Ўйлаб қарасак, шу гап чинга ўхшайди. Чунки қисматининг қай бир қирраси бадийий сўз билан боғлиқ ҳуқуқшунослар бизнинг адабиётда ҳам кўп. Жумладан, Ҳайдар Яҳё, Файзулла Қиличев, Сафар Каттабоев каби марҳум қаламкашларни, айти кунларда катта куч-ғайрат билан ижод қилаётган Комил Синдоров, Исмаилла Маманов сингари детектив усталарини, адабий муҳтдаў ўз сўзига, ўз нуфузига эга Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Зикрилла Неъмат янглиғ шоирларни мамнуният билан тилга олиб ўтишимиз мумкин. Кунни кеча “Басират кўзи” деб номланган тўплам орқали яна бир бадийий ижодга мойил юристни кашф қилдик: Холмўмин Ёдгоров!

Одатда, биз ҳуқуқ-тартиботни, қонунчиликни муҳофаза қилувчи соҳа ходимларини расмий, совуққон, жиддий қиёфада тасаввур қиламиз. Ҳатто яқин боришга ботинмайроқ турамыз. Лекин “Басират кўзи” китобида Холмўмин Ёдгоров оддий одамларга ҳамдард, ҳамнафас, қайноқ қалб, ёруғ хаёл ижодкор сифатида намоён бўлади. Содда нарсаларни мураккаб қилиб эмас, мураккаб нарсаларни содда тарзда бериш иқтидорининг асосий тамойили қабилидаги нақлга кўп бор дуч келганмиз. Назаримда, Холмўмин Ёдгоров қайсидир маънода мазкур нақлга амал қилишга уринади. Шақлбозлик, сўзбозлик кетидан кувмайди. Ҳар хил “изм”лар изидан маҳлиё-маҳлиё югурмайди. Қораламалари, энг аввало, оддий ўқувчига тушунарли, юқумли бўлишини назарда тулади. Битиклари содда, самимий, ортиқча зўриқиш, чиранишлардан холи, раван ва тинки. Турмушдаги ибратли, таъсирчан воқеаларни қаламга олишни бирламчи вазифа деб билади. Мисол тариқасида тўпламдаги “Балиқчи бобо” ҳикоясига эътибор қаратишимиз мумкин.

Дарё қирғоғида ўйчан ўтирган қариянинг қармоғига кичкина, бармоқдеккина балиқча иланиди. Отаҳоннинг бу митти яратикча раҳми келади. “Ҳали катта бўлавер, кейинроқ илинасан,” дея уни сувга қўйиб юборади. Бироқ ўша митти балиқча

ҳўрак илинжида тагин қармоққа тушади. Чол уни яна озод қилади. Лекин бу митти балиқча кўп ўтмай яна боз қариянинг ўлжасига айланади. Отаҳон нафс туфайли кетма-кет қармоққа илинаётган митти очофатга қараб хаёлга толади. Дунёнинг арзимас матоҳлари деб, ҳавои нафсга эргашиб кун аро жанжал чиқарадиган ўғли ва келини кўз ўнгидан ўтади. Худди шундай араз-гиналар касридан келин уч қара ўз ота-онасиникига кетиб қолганини эслайди. Қариянинг овга иштиёқи сўнади. Лаш-лушларини йиғиштириб уйига боради.

“Болаларингни чақир”, дейди хотинига. “Ана бўлмасам, — деб ўйлайди кампир. — Худонинг кўрими, бу кишим жанжални қаердан эшитди экан?”

Сўнг эрига қараб: “Ёшлар яна жанжаллашганини сизга ким етказа қолди дарров?” деб беихтиёр сўрайди.

Отаҳон аёлининг саволидан сўнг хондонда яна жанжал бўлганини сезади ва синиқ жилмайиб дейди:

“Эй, кампир, ким етказарди, дарёдаги балиқ айтиди, қолганини Холиқ айтиди.”

Шу ўринда машҳур халқ мақолига муаллиф ижодий ёндашиб унга янада чуқурроқ мазмун бағишлагани ўқувчига завоқ улашади. Мутлоани кишиқиш билан давом эттиради.

СОДДА САТРЛАР СЕҲРИ

Ҳуқуқ ва бурч. Ҳаётда ҳақ-ҳуқуқ талаб инсонда бурч, масъулият туйғуси ҳам устувор бўлиши лозим. Ёхуд зиммасидаги бурчни, жавобгарлиқни ҳис қилган одам бахтли, фаровон турмуш кечиришига ҳақлидир. Назаримда, худди шу фикр, шу ғоя Холмўмин Ёдгоров қаламига мансуб ҳикояларнинг лейтмотивини ташкил этади. Тўпламдаги “Чол ва ҳўроз”, “Басират кўзи”, “Ҳиммат”, “Ота моли” сингари ҳикояларнинг мазмун-моҳияти фикримизнинг яққол далилидир.

Муаллифнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, табиатдаги жамияти яратқининг, мавжудоднинг ҳаётини бир-бирига уйғун тарзда кўради. Кўп ҳолларда жониворлардаги мардлик, садоқат, меҳр-оқибат хислатларини инсонларга ибрат сифатида ифодалайди. Жумладан, “Олапар”, “Бўйноқ”, “Айрилиқнинг олти кун”, “Надомат” каби ҳикояларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Айниқса, “Оқибат” да нуқтаи назаримиз бўртиб, қабариб кўринади. Унда биз одамлардаги олчоқлик, очқўзлик, ёвузлик иллатларидан нафратланиш баробарида бўриларга хос мардлик, шафқат, ҳалоллик хислатларидан завоқ туямиз, таъсирланамиз. Шунингдек, мазкур ҳикояда миллий колорит, тоғ аҳолисига хос ҳаёт, сўзлашув нутқи жонли, сербўёқ тарзда ифодаланган.

“Шаҳарлик меҳмон шарафига қирқилмаган улоқ этидан тайёрлаган қовурдоқ тортилки”, деган жумла муаллифнинг қишлоқ, овлоқ овул турмушидан тузуқинча хабардорлигидан дарак беради. Зеро, “қирқилмаган улоқ”нинг гўшти мазали, шифобахш бўлишини ҳамма ҳам билавермади. Фақат иш ҳужрасида ўтирмай, тез-тез “халқ ичи”га юриб, “қора қозон”га яқин бориб турадиган қаламкашларгина тоғу тош, дала-дашт аҳлига хос турмуш тарзининг нозик жиҳатларини илғай

олади. Қўлимиздаги мазкур тўплам эса Холмўмин Ёдгоров айнан юқорида тилга олинган, оддий одамлар орасида бадийий сўз териб юрган ижодкорлар тоифасига киришини таъкидлаб турибди.

Китобдаги “Басират кўзи” ҳикояси ҳам ўқувчини мулоҳазага, ҳаётга, дунёга қалб нигоҳи билан қарашга ундайди. Сичқонлар билан боғлиқ оддий, ҳар ким ҳар лаҳзада учратиши мумкин бўлган воқеадан фалсафий умумлашма, ҳикматга, ибратга қоришиқ хулоса чиқаради. Энг эътиборли жиҳати, ижодкор тимсоллар тилидан содда, халқона тарзда унумли фойдаланди. Бу ёзувчининг халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганганидан, эртақлар, афсоналар оламига меҳр-муҳаббати бўлақча эканлигидан дарак беради. Қолаверса, “Кўзларини босрат шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдилар” деган ҳазрат Навоий лафзига мансуб ҳикматли иборанинг эпиграф тарзида олиниши ҳам ушбу ҳикояга ўзига хос залвор бағишлайди.

“Илтижо” мазкур тўпламдаги энг гўзал, таъсирчан ҳикоялардан бири. Унда онасини соғинган жажжи Дилдоранинг қушлар билан сирлашиши, нозик кечинмалари, дарди табиий, таъсирчан ва самимий ифодаланган.

“Қалдирғочжон, қалдирғоч, мен аямни соғиндим. Қанотларинг бериб тур, бирров бориб келайин” қабилидаги қизалоқнинг илтижоси, сўрови ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, ҳамдардлик, хайрихоҳлик хисларини уйғотади. Ҳикоя катта қизиқшиш ва мароқ билан мутлола қилинади. Бунда ҳам, юқорида таъкидлаганимиз каби муаллифнинг халқ оғзаки ижодига ихлоси ёрқинроқ кўринади.

Албатта, тўпламдаги барча битиклар ҳам юқори савияда, бадийий мукамаллик аломатларига эга, дея айтишимиз қийин. Жумладан, “Хосият хола” ҳикоясини мисол тариқасида олайлик. Унда

ғийбатчи, фитнага мойил хотин ўқимшили, фариштамонанд Хосият хола-никига келади. Хосият хола унга Тоҳир Малик қаламига мансуб асардан бир шингил ўқиб беради. Мутлоани тинг-тинг рағбатчи кўшни таъсирланиб, кўз ёшлар ила яхши аёлга айланади қолади. Ҳикоя анчайин сунъий қурилмаси, енгил-елпи хулосаси билан ўқувчини ранжитида. Биринчидан, кишиларни тўғри йўлга, эзгуликка даъват этадиган, чуқур мазмун-моҳиятга эга машҳур битиклар жуда кўп. Хосият хола, ҳечқурса, ўшларнинг бирортасидан тўрт-беш сатр ўқиб берганида ҳам кўнардиқ. Қолаверса, ҳикояда келтирилаётган парча тўғридан-тўғри Тоҳир Маликнинг қаламига мансуб эмас, балки Тоҳир Малик, одатдагидек, у-бу муқаддас асарлардан кўчирма тарзида келтирган ривоятлардир.

Холмўмин Ёдгоровнинг “Басират кўзи” китобидан муаллифнинг бир туркум назмий тизмалари ҳам жой олган. Уларда меҳр-оқибат, дўстлик, она–Ватан севгиси сингари азалий ғоялар тараннум этилади. Мазкур назмий тизмалар қатида дунёга, ҳаётга маъус, ўйчан боқаётган лирик қаҳрамонни кўрамыз. У тириклик жумбоқларига жавоб излайди, ҳаётнинг, умрининг қадрига ета олмаётганидан ўкинади, кишиларни эзгуликка, хайрли ишларга чорлайди.

Бугун биз шошқин-тошқин бир даврда яшаб турибмиз. Тирикчилик ташвишлари ичиди жонсарақ югурамыз. Шундай кезлари ўзимизга бир таскин, бир юпанч, ёруғ ҳислар, руҳий қувват излаб қоламиз. Холмўмин Ёдгоровнинг “Басират кўзи” китоби, ундаги содда сатрлар сеҳри ташна қалбларга худди шундай таскин ва юпанч, ёруғ ҳислар бахш этишига ишонамиз.

Луқмон БЎРИХОН

ТААССУРОТ

Ҳаётда шундай кунлар бўладики, кейинчалик у кунларни қидириб ҳам топа олмайсиз. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган Марказий Осиё ёш ижодкорлари анжуманида қатнашиб, қалбимдан ёруғ ҳис-туйғулар кечди.

ЎЗБЕКЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда ижод қилиб келаётган шоир ва ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган амалий ишлар ўзга юрда яшаётган биз каби ёшларнинг ҳавасини келтиради, албатта. Айниқса, Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида ёш ижодкорларнинг китоблари кўп нусхаларда чоп этиб келинаётгани катта имкониятдир. Бундай эътибор фақат Ўзбекистон ёшлари билан чегараланиб қолмай, Ёзувчилар уюшмасининг режасига биноан Марказий Осиё давлатлари ижодкор ёшлари билан алоҳида анжуман ҳам ўтказилгани бизни қувонтирди.

Шу йилнинг 18 октябр кунин анжуман иштирокчиларини Адилбар хиёбонида кутуб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда биз ёшлар дастлаб Навоий ҳайкали пойига гул кўйдик. Шундан сўнг Тошкент вилоятида жойлашган Паркент ижод уйида бўлдик. Ёш қаламкашлар иштирокидаги “Паркент оқшомлари” шеърий кечасида қардош ва қўшни халқларнинг ёш ижодкорлари иштирок этишди.

Мен ўзбеклигимдан фахрланаман, сабаби Алишер Навоий бобомиз тугилган юрда туғилиб, улар билим олган мамлакатда билим оламан. Бу мен учун энг буюк шарафдир. Шу юртга келиб таҳлил олаётганимдан ва шундай анжуманларда қатнашаётганимдан фойт бахтиёрман.

**Шекибо САМАДИЙ,
Афғонистон фўқароларини ўқитиш
таълим маркази талабаси**

ЯХШИЛАР ЁДИ



Таниқли адиб Суннатулла Анорбоев қаламига мансуб салкам йигирма саҳифалик очерк “Норин сувин ичганлар”, деб номланган. Унда ёзувчи дастлаб болалик даврини хотирлаб ёзади: “Болалигим Норин бўйида ўтди. Ёз кезлари тенгдошларим билан кумлоқ қирғоқда кунни кеч қилардик. Тошқин дарё тўлқинларига тўш уриб, балиқ мисоли сузардик. Мол-қўйларни соҳилдаги тўқайга ҳайдаб, ўзимиз қуш тухумини қидириб, оролдан-оролга санқиб кетардик. Мен турганимда уйда ҳеч ким бўлмади, ҳамма далада. Уйқули кўзларимни ишқалаб, кўчага чиқиб, дадамни топгани йўлга тушаман. Яланг оёқ, иштончан ҳолимда дала йўлидаман, орқадан арава тақир-туқури зшитилади. Биламан, қайрилсам бас, серсоқол дадамни кўраман, албатта. Қўшотли ясси аравининг суянкчилик курсисидида савлат тўкиб ўтирибдилар. Чопқиллайман-да, филдиранинг ўқига оёғимни қўйиб, қўлларим билан тирмашаман, дадамнинг пинжиги сангиб кетаман.

ИЖОДГА УЙҒУН УМР

– Сени изингдан топдим, – дейдилар ва қўйинларидан нон оладилар, мен кавшана бошлайман...”

Болалиқнинг бу санъаткорона тасвири юрак тубидаги, унутилаёзган энг тотли ва беғубор ҳисларни уйғотади, ўқийсиз-да, уша дамларни кўмасаб, соғинч ва армонлар уммонига чўмасиз.

Адибнинг илк болалик хотиралари Қарноқ ва Туркистон билан боғлиқ. Яссавий бобонинг қадамжосини зиёрат қилганлари, уша ерда кокили кесилгани эсида. Қайта-қайта “қулоқ”қа тортилиб, сургунга қувилган оиланинг қора кунлари шуурига муҳрланиб қолганди. Жаннатмонанд Наманганда бу кўргилиқлар камайган эсада, замона ноҳуш эдики, қийнчиликлар кўп бўлади. 1935 йили акиси Неъматулла Суннатуллани Жийдақападаги мактаб-интернатга жойлаштирди ва йигитча тўлиқсиз ўрта маълумотни шу ерда олди. Наманган педагогика билим юртини тугатган 1941 йили Тошкент педагогика институти талабаси бўлди. Иккинчи жаҳон урушида С.Анорбоев 1-Белорусия фронтда артиллерия взводи командири эди. Айни ғалаба арафасида, 1945 йил 3 март тундаги оғир жангларда яраланди. Госпиталларда ярим йилдан ортиқ вақт давомида даволяниб, 45-йилнинг сентябрида Тошкентга келди. Оёғида аскарча зилдай этик, эгнида шинель, кўксидида икки орден, икки медаль. У Тошкентда яшайётган акиси Неъматулла қори билан кўришиб, кейин Уйчиға жунамоқчи эди.

Трамвайга чиққанида у ўз бахти билан юзма-юз келишини кутмаганди. Бу бахт урушдан олдинги сабоқдоши Ҳожияхон (Ҳожинисо) Шокирова билан боғлиқ эди. Икков талабалик чоғларини эслашди, Ҳожияхон институти битириб, аспирантурада тахсил олаётган экан. Тасодифий учрашув ва йўл-йўлакай сўхбат икковининг тақдирига бир умрлик муҳрини босди. Йигитнинг режалари ўзгарди: энди у

Қизилравотга боради, ота-онасини суюнтиради ва Тошкентга қайтади. Тошкентда кундузи ишлаб, кечки пайт ўқишни давом эттирди ва 1946 йили Ҳожияхон билан тўйлари бўлиб ўтди.

Ҳожияхон Шокирова Суннатулла аканинг илҳомчиси, ҳамкори, кўмакдоши, ёзган асарларининг биринчи ўқувчиси ва танқидчиси эди. Улар тўрт нафар фарзанд кўришди: Холида, Барно, Улуғбек, Шербек. Холида – журналист, мутаржим, отасининг қаламига мансуб “Сузиб борар архарлар” қиссасини ва бир неча ҳикояларини рус тилига таржима қилган. Ҳожияхон опа филолог, адабиётшунос эди, кўп билан халқ оғзаки ижодини ўрганган. Ундан Миннатдор Суннатулла ака шундай ёзади: “Мени ўқишни давом эттиришга руҳлантирган, ижодда илҳомчим ва биринчи муҳарририм Ҳожинисо эди. “Меҳр” қиссамдаги воқеа ва қаҳрамонларимни бевосита ундан эшитганман, “Сайли” романидаги бош қаҳрамон тимсолини ҳам рафикам туфайли топиб олгандим. У ҳаётининг сўнги дамларигача болалари ва мени деб ўтди. Ҳожинисонинг покиза руҳи олдидаги узилмас қарзими ҳар он, ҳар соат уйлайман”.

Адибнинг болалик чоғларини поймол қилган қатагон даври жафолари кейин ҳам неча ўн йиллар мобайнида таъбиқ этди. 1953 йили бироз эркин нафас олишга имкон туғилганда С.Анорбоев Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ариза ёзди. Мажлис чоғи уни роса саволга туттиди, саволларга жавоб қайтараркан, таржимаи ҳолининг бирор нуқтасини яширмади, неча марталаб сургун қилинганини, устозлари қамоқдалигини – ҳаммасини очик айтди. Хайтовур, маъкул деганлар қарши овоз берганлардан озгина ортиқроқ чиқиб, у аъзолик гувоҳномасини олди.

2022 йил январда Қизилравотда ёзувчининг юртдоши Одилжон ота Алимов билан сўхбатлашдик. У киши ҳозир юз билан юзлашиб арафасида.

– Анорбой ака барваста, полвонсифат одам эди, – дейди Одилжон ота. – Ниҳоятда саҳий, қўли очик эди, ҳеч кимдан ёрдами аямасди. Биз ўспирин бола эдик, Суннатулла аканинг урушдан келгани кечгайда кўз олдимда. Тошхўжа Отаев, Шамсиддин Қозоқов, Суннатулла ака – учови битта синфда ўқишган. Жийдақападаги мактабга қатнашардик. Кейин катта ёзувчи бўлиб, газеталарда расми чиқадиган бўлди, телевизорда кўриб қолардик.

Адибнинг ижодий мероси бой ва ранг-баранг. Дастлаб адабий-танқидий мақолалар ёзди. 1965 йилга қадар марказий газеталарда, “Шарқ юлдузи” журналда, нашриётда, Ёзувчилар уюшмасида фаолият кўрсатди. 1968 йилдан “Гулистон” журналида бўлим мудури бўлиб, бу ижодий жамоада узоқ вақт ишлади. Ўтган асрнинг 60-йилларида Суннатулла Анорбоев етук асарлар ёзди ва болалар ёзувчиси сифатида эътибор қозонди. Хусусан, “Хайр, боғчажон-боғча”, “Турткўзнинг бошидан кечирганлари” тўпламларидаги ҳикоялари болалар дунёси ва болалар ёзувчиси сифатида эътибор қозонди. Хусусан, “Хайр, боғчажон-боғча”, “Турткўзнинг бошидан кечирганлари” тўпламларидаги ҳикоялари болалар дунёси ва болалар ёзувчиси сифатида эътибор қозонди. Хусусан, “Хайр, боғчажон-боғча”, “Турткўзнинг бошидан кечирганлари” автобиографик характерга эга. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзганди: “Беш-олти ёшларда бўлсам керак, Дўдаган қиридаги полиздан ёлғиз ўзим қишлоққа қайтдим. Олдинда Турткўз итими йўл бошлаб бораёттиди. Мен кўк эшакка миниб олганман. Қоронги қўюқлашгани сари юрагимни ваҳима боса бошлади. Жилғадаги чакиртиканак буталар тағида қандайдир ийртқич писиб ётгандай туюларди, бўрилар бор эди-да. Олдимдан ўтиб кетган юморонқоқдан ўтакам ёрилди. Кўк эшагим эринчочлик билан имиллайди, парвои фаалак махлуққа халачўлини санчиб-санчиб оламан, бор овозим билан “Турткўз” дея бақираман. Итим бир лаҳзада оёқларим остида пайдо бўлади. Уни кўриб, мендаги кўркув чекинади. Жиндай дадиллигим,

атрофга аланглайман. Болалигимдаги уша ҳамроҳим ва содиқ кўриқчимга “Турткўзнинг бошидан кечирганлари” билан гўё бир ҳайкал қўйган эдим”.

С.Анорбоев синчков ва кузатувчан адиб сифатида бошқалар илғай олмайди-ган энг кичик чизгиларни эътибордан қочирмайди. Шу туфайли унинг очерклари ҳаётнинг табиий ва санъаткорона инъикоси бўлиб, қаҳрамонлари муаллиф яратган персонаж эмас, жонли инсон сифатида гавдаланади. Мавзуга муносабатда ҳам шундай: бир бор тилга олган масала деярли такрорланмайди. Жумладан, “Парвоз” очеркида ўзбек олимларининг космик тадқиқотларга қўшган ҳиссаси таҳлил этилган. Муаллиф алколоидлар муаммосига алоҳида тўхталиб, академик Собир Юнусов кашфиётларининг илмий-амалий аҳамиятини яққол кўрсатиб бера олган. Зотан, Собир Юнусовнинг бу борадаги салоҳиятини жаҳон илмий жамоатчилиги тан оларди...

Меҳнаткаш ва дўлвор қишлоқ одамлари, бунёдкор ва илмга чанқоқ ёшлар, она табиат ва жониворлар С.Анорбоев асарларининг бош қаҳрамонларидир. Муаллиф ана шу персонажларни яратар экан, тимсолни фақат ҳаётдан оларди. Яна шуниси муҳимки, бу образлар С.Анорбоев “ўргатган” тилда эмас, балки жайдари ва табиий сўзлаб, эркин ҳаракатланади. Адиб ярим асрдан зиёд муттасил ва баракали ижод қилди, маҳорати тобора юксалиб, янги-янги мавзу ва жанрлар билан бойиб борди. Баъзи бир долзарб ва қадрдон қаҳрамонларига гоҳо такрор мурожаат қилади. Чунончи, у аввалроқ ёзган “Оқсой шалолалари” қиссасидаги мавзунинг орадан йиллар ўтиб тагин қаламга олди ва “Оқсой” романини яратди. Мавриди келганида таъкидлаш ўринлики, адибнинг “Сайли” романи ўз даврида миллий насримизнинг катта воқеаси ва ютуғи бўлганди. Алалхусус, “Умр” қиссаси адибга катта шуҳрат келтирди. Асар воқеалари ўтган асрнинг 30-йиллари Наманганда кечади. Уларни болалик чоғида муаллиф ўз кўзи билан кўрган, қаҳрамонларни ҳаётда учратган. “Умр” қиссаси асосидаги телеспектакль кирқ йил бурун томошабинларни мутаассир қилиб, С. Анорбоев юзлаб мактублар олди. Адибнинг “Парвоз” ва “Гузалик излаб” тўпламлари, “Меҳр”, “Саржинчи чол” номли қиссалари, “Ҳамсўхбатлар” китоби катта қизиқиш билан ўқилди. Кейинчалик у театр томошабинлари учун ҳам асарлар ёза бошлади: “Чумчүк сўйса ҳам...” комедияси адибнинг илк драматик асаридир. Хулоса қилиб айтганда, С.Анорбоев ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшган, адабиётда ўз ўрнига, услуби ва овозига эга бўлган йирик ёзувчилардан бири эди.

Рустамжон УММАТОВ, ёзувчи

ЯХШИЛИК ЛИБОСИН КИЙГАНЛАР

Инсоннинг камолоти ва салоҳияти унинг маданиятида акс этади. Миллатнинг маданияти ҳам шундай инсонлар туфайли юксалади. Салкам қирқ йиллик умрини халқнинг маданий тараққиётига бағишлаган ана шундай инсонлардан бири Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида меҳнат қилиб келаётган Масаит Йўлбарсовдир.

Бу инсон 1988 йили Тошкент давлат Маданият институтини тугатганидан буён маданият соҳасининг барча тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Хусусан, Ангрен шаҳар маданият бўлими, “Дукент” маданият маркази филиал мудури бўлиб ишлаётганига ҳам 30 йилдан ошди. Бугун олтимиз ёшени нишонлаётган бу фидойи инсон шу муддат ичида билимдон изланувчан ва ташкилотчи раҳбар амалга ошириши мумкин бўлган фаолиятини аъло даражада ўтади, десак муболага бўлмайди.



Устоз – шарафли ном. Устоз деганда кўпчилик биринчи ўқитувчиси ёки дарс берган ўқитувчини тушунади. Лекин шундай устозлар ҳам бўладики, улар касб маҳорати сирларини ўргатишда, инсонлар билан муомала-муносабатни, жамоа орасида ўзини қандай туттиши, масъулият каби ҳаёт ҳақиқатларини тушуниб етишимизда ўзларининг беминнат ёрдамларини аямайдилар. Масаит ака ана шундай устозлик мақомига эга бўлган чинакам инсондир.

Ўтган йиллар давомида М.Йўлбарсов мутахассислиги бўйича тўплаган билимларини қарийб ўттиз беш йилдан буён Ангрен шаҳар, Дукент қўргонининг катта воқеаси ва ютуғи бўлганди. Алалхусус, “Умр” қиссаси адибга катта шуҳрат келтирди. Асар воқеалари ўтган асрнинг 30-йиллари Наманганда кечади. Уларни болалик чоғида муаллиф ўз кўзи билан кўрган, қаҳрамонларни ҳаётда учратган. “Умр” қиссаси асосидаги телеспектакль кирқ йил бурун томошабинларни мутаассир қилиб, С. Анорбоев юзлаб мактублар олди. Адибнинг “Парвоз” ва “Гузалик излаб” тўпламлари, “Меҳр”, “Саржинчи чол” номли қиссалари, “Ҳамсўхбатлар” китоби катта қизиқиш билан ўқилди. Кейинчалик у театр томошабинлари учун ҳам асарлар ёза бошлади: “Чумчүк сўйса ҳам...” комедияси адибнинг илк драматик асаридир. Хулоса қилиб айтганда, С.Анорбоев ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшган, адабиётда ўз ўрнига, услуби ва овозига эга бўлган йирик ёзувчилардан бири эди.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарига раҳбарнинг қатор фазилатларини санаб ўтган. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам ушбу асарда айтиб ўтилган кўп фазилатларга эга. Жумладан, зиммасидаги вазифани бекаму кўст адо этади, сўхбатдошини зериктирмайди, хотираси кучли, зукко, фикрини аник-равшан тушунтира олади, қийнчиликлардан кўрқмайди, давраларда меъёрни билди, ҳақиқатни тан олади, улуғ ишларга интилади, мол-дунё кетидан қувмайди, одил, қатъиятли. Эҳтимол, шу боис ўз ишининг устаси да-

ражасига эришди, доимо шоғирдлари ардоғида.

“Ангрен шаҳар маданият бўлимида қанча йил фаолият олиб борган бўлсам Масаит ака билан биригман, – дейди шаҳар маданият бўлими раҳбари Шокир Миржалилов. – У шаҳарнинг “Энергетик” клубида иш бошлаган. Ҳеч бир тадбирда бир жойда ўтирмаган. Кадрларни тайёрлашдан бошлаб, иссиқ-совуғигача қабардор бўлиб туради. Бу каби илиқ фикрларни бошқалардан ҳам эшитиш мумкин. Чунки шаҳарда ва қишлоқларда ҳамма вақт бирга бўламиз”.

Ўланчилик бўйича Республика кўрик-танловлари ғолиби, “Шуҳрат” медали соҳиби Турдали Пардаев қаҳрамонимиз ҳақида шундай дейди: “Ёшликдаги шўхлик, оловлик дамларимиз Масаит билан бирга Дукентсўй бўйларида кечган. Тақдир тақозоси билан ҳар иккимиз маданият ва санъат йўлини танладик. Менинг ўланчи бўлиб танилишимда дўстимнинг хизматлари беқийёс. Чотқол-Қурама тоғ тизмаси этакларидаги қишлоқлардан анчагина ўланларни йиққанмиз, улар хозирги кунда ўланчиларимиз томонидан ижро қилиб келинмоқда.”

Масаит Йўлбарсов айни пайтда намунали оила бошлиғи ҳам. Турмуш ўртоғи Ҳилолаҳон ўқитувчи, Фарзандлари Ёдгор, Ёсин ва Шукрона ота изидан бориб, билим олиш билан банд.

Яхшиликнинг умри узун. Масаит акани қутлуғ ёшлари билан табриклаб, эзгу ишлари бардавом бўлсин, деб қоламиз.

Ботир ДОНИЁРОВ

ЁШЛАР ИЖОДИ

УСТОЗ ИШОНЧИ – ШОГИРДГА ҚАНОТ

Фаргона шаҳридаги санъат коллежида Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсуповдан тахсил олган Бекзод Зокиров институтида ҳам, театрда ҳам беминнат маслаҳатгўй, моҳир устозлар қўли остида камол топди. Ижодининг янги саҳифалари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидаги устозлари Замира Аҳмедова, Севара Ражабова билан боғлиқ бўлса, Ўзбек миллий академик драма театрида Тоҳир Саидов бу саҳифаларни устозлик меҳри билан беэди. Умидли шоғирдининг диплом спектаклида Гамлет ролин ижро этиши ҳам, эҳтимол, унинг устозига бўлган муҳаббати, ҳавасига ишорадир. Тоҳир Саидов театр саҳнасида Гамлетни 2008 йили ўйнаган эди. Гамлет образи туфайли Б.Зокиров институтида ўз ўрнига эга бўлди. Магистратурага қабул қилинган, танловдан ўтиб, Ўзбекистон давлат драма театрида ишлаб бошлади. Магистрлик ишини “Ўзбек театрларида Уильям Шекспир асарларининг талқини ва таҳлили. “Гамлет” асарининг ҳозирги кундаги аҳамияти” мавзуси бўйича ёқлади. Айни пайтда у Ўзбекистон драма театрида роллар ижро этиб келяпти.

Ёш актёр телеканалларда намойиш этилаётган “Тақдирлар”, “Миллий” “Иккор” руқни остидаги новеллаларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Устози Эрнарзёр Ёрбеков саҳналаштирган “Осон узоқ, ери қаттиқ” моноспектакли билан таниқли шоир Муҳаммад Юсуфга бағишланган хотира кечаларида мунтазам қатнашиб келади. Бекзоднинг фикрича, актёр фақат кино ёки театр учунгина ишламаслиги керак, агар у ҳар қандай даврада маҳоратини бирдек намойиш этиб кета

оладиган ижодкор бўлсагина томошабин қалбидан жой олади. Бу борада у устозлари Олимжон Салимов, Элёр Носиров, Муҳаммадсоли Юсупов, Эрнарзёр Ёрбековга ҳавас қилади.

– Театрда ишлаш жуда завқли, – дейди ёш актёр. – Чунки бу даргоҳда жонли ҳаёт бор, ҳар куни ижод завқини ҳис этиш мумкин. Улуғ устозлар билан бир-

бу ерда уларнинг руҳлари кезиб юради. Бугунги спектаклдан уларнинг руҳлари шод бўлсин”.

Устозлар ўғити, улар кўрсатган йўл, албатта, яхшиликка олиб боришини Бекзод жуда яхши билади. Айни пайтда у Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида яна бир устози, дубляж режиссёри Улуғбек Шойназаровдан дубляж сирларини ўрганишга бел болаган.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон давлат драма театрида бош режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов саҳналаштирган, Уильям Шекспир қаламига мансуб “Ромео ва Жульетта” спектакли премьераси бўлиб ўтди. Премьерага келганлар спектакль юқори савияда саҳнага қўйилганини эътироф этишди. Томошада Ромео ролин ижро этган Бекзод Зокиров кун қаҳрамонига айланди. Кўпчилик бир овоздан у ижро этган Ромео ўзига хошлигини эътироф этди. Спектакль ҳамон томошабинларни ҳайратга солиб намойиш этилмоқда.

Ромео образи ҳақида Бекзоднинг ўзи шундай деди:

– Бу образни яратиш энг катта орзуларимдан бири бўлгани учун ҳам қаҳрамоним шахсини борича, бутун вужудим билан очиб беришга ҳаракат қилдим. Албатта, асосий баҳони томошабин беради. Зеро, энг холис назар – томошабин нигоҳи. Санъат ихлосмандлари ишончини оқлашга ҳаракат қилганимдан хурсандман.

Муҳими, Ромеони менга ишониб топширган устозим Олимжон Салимовнинг ишончини оқлаганидан бахтиёрман. Устоз ишончи ҳаммаша шоғирдга қанот бағишлайди.

Муножат МҮМИНОВА

Инсон шахси камолотида маданият ва маънавият энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу омилларнинг шаклланишида театр, концерт, санъат галереялари, кўргазмалар ҳамда музейларнинг аҳамияти беқийёс. Улар томошабиннинг билим доирасини кенгайтиради, савиясини оширади, омма орасида ўзини туттиш, этика ва эстетика қоидаларини ёдга солади. Бу масканлар нафақат маънавият ўчоғи, балки халқ, миллатнинг тарихи, ўтмиши, қадрият ва анъаналари, бугунги ижтимоий-сисёсий ҳаётнинг кўзгусидир.

КАСБГА САДОҚАТ

Халқнинг тарихини, қадриятларини, бой моддий-маънавий меросини ўзида жам этган ана шундай масканлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номлидаги давлат санъат музейидир. Музей бугунги кунда қорақалпоқ халқининг ташриф қоғозига айланган десак, муболага бўлмас. Тасвирий санъат галереясида мазкур музейда директор сифатида фаолият кўрсатиб, музей ишига салмоқли ҳисса қўшган Мариника Бобоназарова билан сўхбат бўлиб ўтди. Сўхбатда музейшунослик ва санъатшунослик соҳаси вакиллари, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, мухлислар иштирок этди.

Туркистонга келиб қолганини айтди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деганди: “Мен рассом сифатида Самарқандда шакландим, у ердаги ранг, нур, ранглардаги ҳаво мени бутунлай ўзига ром этди”.

Музейнинг бугунги кундаги ривож Мариника Маратовнанинг саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ. Чунки нафақат ўзбек, қозоқ, рус, балки инглиз тилини мукамал билиши музейни жаҳон миқёсига олиб чиқишда муҳим восита бўлди, дейиш мумкин. Музейнинг нодир экспонатлари унинг раҳбарлигида Россия, Америка, Польша, Германия, Украина ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган кўргазмалар ва музейларда намойиш этилди, музей фонди йил сайин кенгайиб борди.

Сўхбат сўнгида устоз музейшунос йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Фотима МАМАЖОНОВА



ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ НАМОЙИШИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Залнинг иккинчи қаватидан ўзбекистонлик ва польшалик ижодкорларнинг юздан ортиқ асари ўрин олган. Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековнинг "Тумарис", "Сўғдиёна", "Сув", "Ҳаво", Тимур Рахметовнинг "Йўл-йўлакай", Татьяна Фа-



дееванинг "Бўстонлик тумани инфантаси", Хуршид Зиёхонов ва Анвар Зиёхоновнинг "Қисмат" номли тўплами, Анна Григорьевичнинг "Илтижо", польшалик Томаш Винарскининг "Қиёфа" асарларидаги сода ва мураккаб шакллар уйғунлиги томошабинларни қувонтирди.

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган кўргазмада Ўзбекистон ва хорижлик фоторассомларнинг юздан ортиқ асари намоийш этилди. А.Жумаев, В.Жирнов, В.Шлосберг, Б.Алимжўжаев, шунингдек, Туркия, Хиндистон, Литва, Эрон сингари мамлакатлар истеъдодли фотосуратчиларининг портрет, манзара ва ижтимоий мавзуга бағишланган асарлари, айниқса, портрет жанридаги фотосуратлар турли ракурслардаги акси билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. Марказий кўргазмалар залида серкира ижодкор Юнус Сафардиёр ёш рассомлар учун маҳорат дарсини ўтди.

Биенналенинг иккинчи куни Тасвирий санъат галереясида Марказий Осиё ва Ўзбекистон рассомларининг «5+1» гуруҳи ҳамда Қорақалпоғистон рассомларининг кўргазмаси очилди. Ўзбекистонлик рассомлар Ф.Аҳмадалиевнинг "Бухоро ҳовлиси", А.Нурнинг "Сайёр труппа", Ж.Усмоновнинг "Ҳаёт тугунлари" ҳамда қорақалпоғистонлик С.Бобожонов, Б.Серекеев, А.Жаксировнинг рангтавир асарлари ва Дарибай Тожимуратовнинг "Келин" каби асарлари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. "5+1" гуруҳи яратган ҳар бир санъат асарида янги ҳаёт, янги фикр-мулоҳазалар мужассам. Миллий рассомлик ва дизайн институти анжуманлар залида россиялик куратор Кирилл Гаврилиннинг "Келажак санъати. Санъат ва фан" мавзусидаги маърузаси тингланди. Камолиддин Бҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Малайзия ва Хитой рассомларининг кўргазмаси очилди.

Бадий академиянинг анжуманлар залида бўлиб ўтган "Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари" номли халқаро илмий-амалий анжуманда санъатшуносларнинг "XXI асрда ёшлар санъати",



"Келажак санъати концепциясининг ривожланиши" каби мавзуларда маърузалар ўқилди. Долзарб мавзуларни ўз ичига олган мақолалар тўплами нашр қилинди.

Иқоу Хираяма номидаги халқаро ма-

даният карвонсаройида очилган ёш рассомлар кўргазмасида ижодкорларнинг турли мавзулардаги асарлари намоийш этилмоқда. Миллий рассомлик ва дизайн



институти анжуманлар залида россиялик куратор Александр Бургановнинг "Санъат бизга нима учун керак?" номли маърузаси тингланди. Маърузадан сўнг талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Биенналенинг тўртинчи куни тадбир иштирокчиларини Самарқанд шаҳри ўз бағрига олди. Иштирокчилар қадимий ва навақирон шаҳарнинг тарихий обидаларини зиёрат қилдилар. Марказий кўргазмалар залининг анжуманлар залида беларусиялик рассом М.Пиатрулнинг "Беларус замонавий ҳайкалтарошлик санъати" мавзусида қилган маърузаси ёш ҳайкалтарошларда катта қизиқиш уйғотди. Россиялик А.Дружинининг "Россия замонавий санъати ҳақон концептуал санъати кесимида", италиялик Алессандро Карернинг "Италия замонавий санъати" мавзусидаги маърузалари йиғилганларни фикр-мулоҳазасига чорлади.

Халқаро биенналенинг ёпилиш маросими бугун пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтди.

Сарвара ҚОСИМОВА

БОЛАЛАР БЕКАТИ

БОҒИМИЗДА АТИРГУЛ

Эркин Воҳидов номидаги Ижод мактаби ўқувчилари машқларидан

НОВВОЙ БОЛА



Мана, бизнинг қулчатоқ, Онаси-чи, патирий. Отаси катта патир, Бутун уйимизга татир. Опалари қаллама, Барини ол, танлама. Дугонаси "булочка", Есанг, куч қўшар кучга. Зоғорабой тоғаси, Жизза ноннинг оғаси. Пиёзли нон аммаси, Бизга ёқар ҳаммаси!

Моҳларойим САЙДИРАҲМОНОВА, 8-синф ўқувчиси

УЗУМ



Ширин, тотли меваман, Кўёшни хўп севаман. Навларим ҳам бор анча, Севиб ейишар барча.

Пишаман куз фаслида, Энг зўриман аслида. Топиламан кўп уйда, Зиёфатда, ош-тўйда.

Нонуштага ейишар, «Олтин новвот» дейишар. Ҳаттоки майиз қилиб, Қишга асраб қуйишар.

Серуруғимиз, ҳар хилмиз, Доим аҳил-иноқимиз. «Келинбармоқ», «хусайни», Гўёки эт-тирноқимиз.

Бизга ҳар куз фаслида Арилар гап отишар. Бизни қўқда қушлар ҳам Бир-бирига сотишар.

Санайверсам фойдамиз Топармикан ниҳоя. Ҳали кўпдир сўзларим, Ҳозирча шу кифоя!

Дилобар АБДУЛФАТТОХОВА, 8-синф ўқувчиси

АТИРГУЛ



Боғимизда атиргул Бош кўтарди баҳорда. Ҳиди хушбўй, турфа хил, Таралади саҳарда.

Меҳр билан мен унга Ҳар тонгда сув қуюман. Гулим таратар ифдор, Хушбўйини суяман.

Атиргулим, иккимиз, Ҳуртоқ бўлдик қадрдон. Гулга тўлди ҳовлимиз, Қувончимиз бир жаҳон.

Раҳимахон НОСИРАЛИЕВА, 7-синф ўқувчиси

СИНГЛИМГА



Ширинтой, қақажон қиз, Сингилгинам Мубина. Ҳамма гапга суқилар, Ҳитирмайди жимгина.

Шу синглимни ойим ҳам Ҳеч тартибга солмади. Ҳеч кимга билдирмасдан Бураб-бураб олмади.

Бувижоним ёнида Унг қўли бўлиб олган. Эркалатар бувим ҳам, Шунга ўрганиб қолган.

Дафтарларни тўлдириб, Ёзади антиқа шеър. Мени ҳайратга солиб, Шоира бўламан дер!

Нодирахон ХОЛДАРАЛИЕВА, 7-синф ўқувчиси

ТЕСКАРИ

Айланса-чи дунё терс, Балиқ юрарди учиб, Кабутар сузар эди, Уммон, денгизни кучиб.

Айланса-чи дунё терс, Одам юрар тўрт оёқ. Хурмас эди кўпаклар, Юрмас эди ҳеч саёқ.

Айланса-чи дунё терс, Ерда юрар капалак. Чикар эди чўллардан Рангларга бой камалак.

Айланмасин дунё терс, Қийин бўлар бизларга – Нон ёпиш болалару Кетмон чоғиш – қизларга!

Дурдона АҲМАДЖОНОВА, 9-синф ўқувчиси

МУРАББО



Кўшнисининг уйига Чопиб кирди Собиржон: – Мураббо бериб туринг, Ойим соғлиги ёмон. Уч кундирки, ойимнинг Томоқлари хўп оғрир. Дори ичиб кўрдилар, Тузалмади барибир. – Идиш олиб чиқмабсан, У бўлмаса нетаман? – Овора бўлмаган, хола, Мен ўзим еб кетаман.

Эрнис АБДИМАННАБОВ, 7-синф ўқувчиси

ҚИЗИҚ ЖАВОБ



Муаллимнинг дарсида, Ухлаб қолганди Билол. Устоз уни уйғотиб, Доскага ёзди мисол. – Қани кел-чи, Билолжон, Ухлаб қолдинг, кўрдик биз. Энди ишла мисолни, Қандай топилар илдиз? – Саволингиз жавоби Осон экан ўйласам: Илдиз дарҳол топилар, Кетмон билан қавласам!

Ўғиллой ТОШПЎЛАТОВА, 9-синф ўқувчиси

БАХТЛИ ВАҚТ ТИЛАЙМАН

"Келажак – қўлимизда!" номли анжуман ўз якунига етгач, маҳаллий телевиденининг ёшгина, нозиккина муҳбири – найча шим кийган чаққон йигитча басавлат, қориндор кишининг йўлини кесиб чиқди.

– Ассалому алайкум, кечирасиз. Мумкин бўлса, бир-иккита саволга жавоб берсангиз, – деди у қизлардек тортиниб. – Биз "Умр бесамар кечмасин" кўрсатувиданмиз.

- Марҳамат, – рухсат этди басавлат киши керилиб.
– Айтинг-чи. Сизнингча нима арзон, нима беқадар?
– Вақт, вақт.
– Нима қиммат? Нима ноёб?
– Вақт, вақт.
– Нимани яхши кўрасиз?
– Изимдаги бўш вақтимни.

ХАЗИЛ ИНТЕРВЬЮ

- Нимага ачинасиз?
– Кимнидир кутиб йўқотган вақтимга.
– Армонингиз нима?
– Вақтимни қадрига етмай яшаган йилларим.
– Нимадан миннатдорсиз?
– Райрат билан самарали ўтказган вақтимдан!
– Нимадан таскин топасиз?
– Келажак вақтдан!

– Раҳмат сизга, олтин фурсатингизни ажратиб, саволларимга батафсил ва самимий жавоб берганингиз учун!
– Сизга ҳам дўстгинам, қимматли вақтингизни сарфлаб, мени диққат-этибор билан тинглаганингиз учун! Ҳозир шошиб турибман.

- Сизга бахтли вақт тилайман!
– Сизга ҳам, хуллас, ҳаммамизга!

Йўлдош ФОЗИЛОВ

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Эсимни танибманки, отажонимнинг тиззасидан тушмасдан овқатланардим. Гоҳида онам мени койиб кўярди. Шунда отам:

– Анорой, мени онашимни урушма. Бу ҳали шундай бир қиз бўлсинки, биз фахрланиб юрайлик, – дерди.

Афсуски, отажонимизга камалимизни кўриш насиб этмади. Тўрт ярим ёшимда меҳрибонимдан айрилиб қолдим. Энди талпиниб кучадиган, мени кўтариб боғ кезадиган падарим йўқ. Гоҳида отажонимни соғинганимда онамга хархаша қилсам, Пирмамат акам мени даст кўтариб оларди. Мен бўлса қочиб ҳаракат қилардим.

Пирмамат акам менинг кўнглимга қарайман деб, доим ишдан қайтаётганида ширинликлар, ўйинчоқлар кўтариб келарди. Мен эса уларни улоқтирардим.

Эсимда, қиш яқинлашган пайт эди. Акам ҳаммамизга пойафзал олиб келиш учун оёғимизни ип билан ўлчаётганди.

– Мен ҳам дўконга бораман, – деб туриб олдим. – Узим кийиб оламан. Отам шундай қиларди.

Акам онамга ялт этиб қаради. Онам "олиб бор" дегандек имо-ишора қилди.

Шундай қилиб, акамга ўз "хукм"имни ўтказдим. У фақатгина мени дўконга олиб борди. Ўзим чиройли бир этикни танлаб, кийиб кўрдим. Аммо унинг нархи қиммат экан.

Шунда акам менга бошқа бир этикни кўрсатиб, уни оёғимдан ечимимни талаб қилди. Мен бўлсам акамнинг ҳолатини тушунмасдан ҳар доимги хархашамни бошладим. Хуллас, ноилож қолган акам мен учун ўша қиммат этикни харид қилди. Кейин эса бошқаларга ҳам сотиб олди.

Уйга янги этикда хурсанд бўлганимча кириб бордим. Уйдагиларга уни роса мактадим. Бироқ мени деб ўша йилли акамнинг ўзи этиксиз қолди. Шунда ҳам бир оғиз гина қилмади.

Пирмамат акам оилада тўнғич фарзанд бўлгани учун рўзгордаги барча ташвишларни онам билан бараварига ўз бўйига олганди. Оиламизга керакли бўлган ҳамма нарсаларни онам билан маслаҳатлашиб сотиб оларди.

Биз улғайдик. Энди қизларни узатиш ҳам акам ва онамнинг гарданида эди. Акам бизларни ҳеч кимдан кам қилмай турмушга узатди. Укаларини уйлантирди.

Бугун тўрт қиз ҳам оилали, фарзандлимиз. Энди ўзимнинг болалиқдаги танतिकлиларимни фарзандларимда кўрсам, жажлим чиқади. Шундай пайтда кўз олдимга акам келади. Уларнинг сабр-тоқати-га қойил қолмасдан иложим йўқ. Акамнинг ҳам тўртта фарзанди бор. Бири-биридан ақли, босиқ, сабр-бардошли. Отасига ўхшаган.

АКАМ

Бир куни синглим Нозигулникига бордим. Тўнғич қизи Ситора аясининг бўянадиган пардоз қуччасини маҳкам кучиб олибди.

– Қизим, сен ҳали кичкинасан. Катта бўлганимда ўзим сенга бунданам чиройлисини олиб бераман. Буни эса ҳозирок жойига қўй, – деса ҳам қўлидагиларини бермасди.

Она-болани биров кузатиб турдим. – Қанақа тушунмайдиган бола бўлдинг! Қўлингдагини қўй жойига! Ҳей, қиз бўлмай кет! Кимга ўхшагансан, билмадим, – деди-да, Нозигул қизининг қўлидагиларни мажбурлаб олиб қўйди.

Ситора йиғлаганича аразлаб ҳовлига чиқиб кетди.

Мен кулиб юбордим. – Нозигул, сен болангдан хафа бўлма! Ўзинг ҳам кичкиналигингда худди шундай эдинг, – дедим қулгидан ўзимни зўрға тўхтатиб. – Эсингдами, Инобат опамнинг бўянадиган нарсаларини олволиб, "Бермайман. Бу энди меники!" деб туриб олгандинг. Опам иккаламиз зўрға қўлингдан тортиб олганмиз. Қизинг ҳам худди болалигингни эслатди. Ўзинг бўлибди.

Шу куни опа-сингил гапдан-гап чиқиб, акамга бемаъни хархашалар қилиб, қанчалар озор берганимизни эсладик...

Ҳа, энди-энди акалар ҳам ота ўрнини босишини тушуниб етдик. Тўйлар қилсак, албатта, акамизга биттадан тўн кийгишизни ният қилдик.

Синглимникидан қайтдим. Уйга бориб, оиламиз учун тутган альбомимни варақладим.

Мана, альбомдаги менинг қайсарлигимни эслатувчи ҳар хил суратлар. Яхшиямки, шу бор экан. Бўлмаса болалигимни яхшироқ эслай олмасмидим. Айниқса, акамга берган озорларимни.

Отажонимдан айрилиб қолганимдан сўнг онажонимнинг этагини тутиб юрардим. Онам қаерга борса, мени ҳам ўша

ёққа судрарди. Чунки олиб бормаганларига қўймасдим.

Онам бирор жойга боришини, уст-бошларини кўчалик кийим-бошга алмаштирганидан сезардим.

Бир куни уйимизга қандайдир кишилар келишди. Онамга нималардир дейишди. Афсуски, мен уларнинг гапларини эшитмай қолдим. Улар кетишгач, онам кийимларини ўзгартириб, бошларига катта оқ рўмолини ёпишиб олди.

– Қаерга кетаяпсиз? Мен ҳам бораман, – дедим тумшайиб.

– Айноқўжга (қабристонимизнинг номи) бораяпман! Қўч йўлимдан! – деди онам.

Кейин опамларга қиладиган ишларини тушунириб, менга эътибор ҳам бермасдан кўчага чиқиб кетди.

Мен ҳам ортидан эргашдим.

– Уйга қайт, эси йўқ қиз! Мен таъзияга бораяпман! – деди онам худди мен тушунадигандек.

Ушанда "таъзия" деган гап нима эканлигини билмасдим. Шунинг учун "Менам бораман, ўша ерга" дея тўнғилладим.

Онам йўловчи машинага ўтириб кетворди. Ортидан йиқилиб-суришиб югурдим, етолмадим. Кейин ўша машинани қора қилиб кетавердим. Анча йўлни босиб қўйдим. Машина ҳам қуринмай кетди. Бир пайт ортимдан ҳаллослаганича акам етиб келди. Мени алдаб-авраб зўрға йўлдан қайтарди...

Акажон, бир умр сизга таъзим қиламан. Сизга етказган озорларимни жуда кеч англадим.

Хонбиби ҚИММАТ қизи



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Хамқоримиз: akfa

Бош муҳаррир Салим АШУР

Тахририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТУШЕВА
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 21.35.

